



## 5 → Сарвар КАРИМОВ: “Юксак дидли томошабинни соғиниб яшаймиз”

Бу асарни мендан олдин ҳам уч марта фильм қилишган. Уччасида ҳам ўша давр ва даврга доир муаммолар олиб чиқилган. Буни яна такрорлашни эп кўрмадим.

## 6 → Регис ЖЕНТЕ: «Франция ҳукумати газеталарга молиявий кўмакни кўпайтирмақда»

Ҳа, замон ўзгармоқда. Бироқ ёши катта авлод вакиллари ҳалигача газета ҳидини яхши кўради.

## 7 → Ғайрат МАЖИД: “Унинг бойликлари умрларга тенг”

Шоирнинг ҳамроҳи хаёл, ҳаёти хаёл, қисмати хаёл.

Ҳамид Олимжон Она Ватанимиз Ўзбекистон тимсолига сўз билан ҳайкал қўйган шоирлардандир.

# Яхши яшаш учун яхши ишлаш керак

► Маърузани ўқиб

Эрта тонгдан бошланган кунимиз оқшомга келиб ниҳоя топади, ҳафта кетидан ҳафта, ой ортидан ой, шу тарзда йил ўз даврини ўтайди. Ўз фаолиятига ҳурмат билан қарайдиган, босиб ўтган йўлини тарози палласига қўядиган инсон яқунланаётган йил мазмунига баҳо беради, ижобий ўсиш омилларини ҳисобга олади, камчиликлардан сабоқ чиқаради.

### Шухрат ЖАББОРОВ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида мамлакатимиз Конституциясининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини тинглар эканмиз, беихтиёр хаёлдан шу ўйлар кечади. Дарҳақиқат, 2018 йил Ватанимиз тарихида ўчмас излар қолдирди. Ислохотлар муваффақияти бор бўйи билан намоён бўлди. Конституция белгилаб берган қоида-

лар ҳаётимизда қандай ифода топганлиги баён этилди. Келтирилган ҳаётий мисоллар юртимизда кенг қўламли ислохотлар қандай ўзгаришларни яратганлигига далил бўлди. Ҳаётимизнинг соҳа ва тармоқлари кўп. Президентимиз сиёсатининг асосий жиҳати халқ тинчлиги ва соғлиғига қаратилгани яна бир бор уқтирилди.



Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида иккинчи минг 360 нафар бўлғуси шифокор тахсил олмақда.

Тиббиёт илмининг султонига муносиб издош бўлишни мақсад қилган талабалар соҳага оид билим ва кўникмаларни пухта эгалламоқда.

Шифокорлик масъулиятини теран англаган ҳолда, шунингдек, ҳуқуқ ва эркинликларимиз мустақкам қафолатланган Бош қомусимиз-

ни пухта ўрганишга муҳим аҳамият қаратади.

Тоҳир ИСТАТОВ  
(ЎзА) фотоси

## КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:



### Иброҳим АЗИЗ: Мих тақани асрайди

“Тошкент Сити” да яшаш учун “клиент” қорлаб башарасига татиуровкалар урилган ажнабий муштумзўрнинг расмини ҳар қаламда кўчаларга осиб ташлаймиз, телевиденидан тинмай намоиш қиламиз.



### Сирождин ИБРОҲИМ: Ўқитувчимга мухлисман

Баъзан бўри изғиган совуқ қиш кунларида ҳам уйимиздан мактабгача бўлган икки километр йўлни ҳаллослаб ўтиб, компьютерни ёққан заҳоти электр ўчиб қоларди. Эҳ, ундаги ўртанишлар!..

## ► Форум

# Сирларини очаётган қадимий мерос

Тошкентда «Ўзбекистон маданий меросини сақлаш ва ўрганиш бўйича лойиҳалар» 2018 йил якунлари. 2019 йил «Йўл харитаси» халқаро мультимедиа форуми бошланди.

### Малоҳат ҲУСАНОВА

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ташаббуси билан ташкил этилган халқаро тадбирда АҚШ, Россия, Германия, Япония, Ҳиндистон, Чехия, Польша каби мамлакатлардан келган олимлар, халқаро ташкилотлар вакиллари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари, экспертлар иштирок этди.

Халқаро форумнинг очилишида ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари вазифасини бажарувчи Мария дель Пилар Альварез Ласо юртимизда бой маданий меросни асраш ва ўрганиш, халқимизнинг инсоният цивилизациясига қўшган ҳиссасини жаҳон миқёсида кенг тарғиб этиш борасида олиб борилаётган ишларни юқори баҳолади. Бу борадаги ишларнинг жамғарма томонидан мамнуният билан қўллаб-қувватланишини маълум қилди. — Ўзбекистон ва Марказий Осиё маданий мероси худди уммондаги муз тоғига ўхшайди, — дейди Аме-

рика ташқи сиёсати кенгаши ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти асосчиси Фредерик Старр. — Бу мероснинг фақат бир қисмигина бизга маълум. Қолгани сирли уммон қаъридаги яширин бир хазина. Мамлакатимиз маънавий-маданий меросига оид битиклар, қўлёзмалар Москва, Санкт-Петербург, Лондон, Париж, Венеция, Берлин, Техон, Истанбул каби кўплаб шаҳарлар кутубхоналари ва музейларида ҳам сақланмоқда. Ушбу тарихий бойлиқни тадқиқ қилиш, уни қайта кашф қилиш ишлари “Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида” медиа-лойиҳаси доирасида амалга оширилмоқда.

Халқаро анжуман сессия мажлисида мамлакатимиздаги тегишли вазирлик ва идоралар, халқаро ташқи ишлар вакиллари, олимлар, экспертлар иштирокида Саҳарда, Париж, Венеция, Берлин, Техон, Истанбул каби кўплаб шаҳарлар кутубхоналари ва музейларида ҳам сақланмоқда. Ушбу тарихий бойлиқни тадқиқ қилиш, уни қайта кашф қилиш ишлари “Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида” медиа-лойиҳаси доирасида амалга оширилмоқда.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Абдуҳақимов сўзга чиқди. (ЎзА)

## ► Эътибор

Мамлакатимизда умрини миллий журналистикани ривожига бағишлаган ва “устоз” деган улуғ номга мушарраф бўлган, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган отахону онахонлар кўп.

# Қариялар қадр топган юртда

меҳр-оқибат, тинчлик-хотиржамлик бардавом бўлади



Жобир ХЎЖАКУЛОВ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида узоқ йиллар меҳнат қилган фахрийларни ижтимоий ҳимоялаш, ҳолидан хабар олиш, сиҳаттоҳларда, саломатлигини тиклашга кўмаклашиш, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, бой тажрибасини ёшларга етказиш борасида изчил тадбирларни амалга оширмоқда.

Жумладан, Уюшма томонидан Республика товархонаш ёрдам биржаси билан ҳамкорликда ташкил этилган “Дўстлар клуби”нинг ёрдамга муҳтож ижодкорларни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси доирасида нафақадаги журналистларга мунтазам моддий-маънавий кўмак кўрсатиб келинмоқда.



## ► Муаммо ва ечим

# Яна синов: яна қиш келди

Куз охирида ҳаво ҳарорати пасая бошлади. Бу қиш-қировли кунлар яқинлашаётганидан дарак. Аҳолининг арзномаларини эътиборга олиб, қиш мавсуми Самарқанд вилоятида қандай кечади? Коммунал хизматлар нархига тўғри келадими? Соҳадаги муаммолар барҳам топади? Вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Рустам САТТОРОВга шундай саволлар билан мурожаат қилдик.

### Анвар МУСТАФОКУЛОВ

“Hurriyat” мухбири

— Тан олиш керак, йиллар давомида соҳада муаммолар тўпланиб қолгани ҳақиқат, — деб гап бошлади Р.Сатторов. — Жумладан, 2004 йилдан 2017 йилгача коммунал хизматлар соҳасида ягона бошқарув тизимининг йўқлиги натижасида корхона тарқоқ ҳолда фаолият кўрсатиб келган. Оқибатда коммунал хизматлар сифати кескин пасайган, бу иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп сондаги уй-жой фонднинг куз-қиш мавсумига етарли даражада тайёр эмаслигига сабаб бўлди.

Президентимизнинг 2017 йил 20 апрелдаги “2017-2021 йиллар давомида ичимлик суви таъмино-

ти ва канализация тизимини яхшилаш тўғрисида”ги ҳамда “2018-2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини яхшилаш тўғрисида”ги қарорлари асосида 2017-2021 йилларга мўлжалланган кўп хонадонли уй-жой фондини таъмир-

лаш бўйича манзилли дастур тасдиқлаб, беш йил давомида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Ўтган бир ярим йил давомида Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги раҳбарлигида бошқарма қошида ягона марказлашган диспетчерлик хизмати жорий этилди. Бугунги кунда ушбу хизмат ўз самарасини бермоқда.

— Орадан бир ярим йил вақт ўтди. Аммо, ичимлик суви ва канализация муаммоси ҳали ҳам туманлардаги кўп қаватли уйларда барта-реф этилмади...

— Шундай. Негаки уй-жойларни қиш мавсумига тайёрлаш ишлари фақат шаҳарда амалга оширилган. Туманлардаги уйларни қишга тайёрлаш ишлари номигагина, ҳисобот учун бажарилган. Яқин-яқингача туманларда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳам мавжуд эмасди. Оқибатда туманлардаги уй-жойлар ачинарли аҳволга келиб қолган.



” 2017 ЙИЛГАЧА  
КОММУНАЛ  
ХИЗМАТЛАР  
СОҲАСИДА ЯГОНА  
БОШҚАРУВ  
ТИЗИМИНИНГ ЙЎҚЛИГИ  
НАТИЖАСИДА КОРХОНА  
ТАРҚОҚ ХОЛДА  
ФАОЛИЯТ КЎРСАТИБ  
КЕЛГАН.

# Қариялар қадр топган юртда

## меҳр-оқибат, тинчлик-хотиржамлик бардавом бўлади



Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган маданият ва санъат муассасалари ҳамда йирик компания ва банклар ҳамкорлигидаги "Дўстлар клуби" ижодий тузилмалар, жумладан, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим омили бўлаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

— "Дўстлар клуби" фаолияти самарадорлигини янада ошириш ва ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси" ишлаб чиқилган, — дейди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳакимов. — "Йўл харитаси" бўйича амалга оширилаётган хайрли ишларнинг умумий қиймати 1,8 миллиард сўми ташкил қилади. Жумладан, ўзаро ҳамкорлик доирасида журналистлар малякасини ошириш, Уюшма ва унинг муассислигидаги "Hurriyat" мустақил газетаси тахририяти ва Ўзбекистон Миллий матбуот марказининг компьютер техникаси ва ахборот тизимларига техник хизмат кўрсатиш бўлими фахрий журналистларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шунингдек, уюшма ва унинг ҳудудий бўлиmlари томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун қўллаб-қувватлаш тадбирлар ўтказилаётган. Бунда, айниқса, минтақаларда ўтказилаётган тадбирлар алоҳида ўрин тутади. Хусусан, Самарқанд, Наманган, Урганч шаҳарларида минтақавий конференциялар бўлиб ўтди. Бу тадбирларда "Дўстлар клуби" номидан ҳар бир вилоятда битта эҳтиёжманд тахририятга компьютер жамланмаси топширилди. Фидойи меҳнатлари билан танилган журналистлар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Бундан ташқари, жорий йил давомида республикамиз бўйича 200 нафарга яқин фахрий журналистлар ҳолидан хабар олиниб, уларнинг ҳар бирига 400 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Юздан ортқ фахрий журналист "Hurriyat" газетасига хомийлик асосида обуна қилинди. Олти нафар фахрий шифохонага ётқизибли, саломатлигини тиклашда амалий кўмак кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 26 йиллик байрами муносабати билан "Дўстлар клуби" томонидан бундай хайрли тадбирлар яна давом эттирилди. Олтмиш нафар фахрий журналист ҳолидан хабар олиниб, уларга озиқ-овқат ва кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳада этилди.

— Албатта, гап фақат моддий манфаатдорликда эмас, — дейди Республика товар-хонашўи биржаси бошқарма бошлиғи Баҳодир Каттахўжаев. — Узоқ йиллар журналистика соҳасида меҳнат қилиб келган инсонлар чинакам маънода ҳурмат ва эҳтиромга муносибдирлар. Ёши улур инсонлар эътиборга, ширин сўзга кўпроқ эҳтиёж сезади. Шу боис байрамларда уларнинг хонадонига бориб ёки таваллуд топган кунларида табрик йўллаш фахрийларимиз кўнглини тоғдек кўтариши турган гап. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан Уюшма ҳамда Биржа ўртасида тузилган "Дўстлар клуби" кексаю ёш ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр.

Шундай тадбирлардан бири пойтахтимизнинг Чилонзор туманида устоз журналист, атоқли таржимон Низом Комилов хонадонид бўлди. 80 ёшни қаршилаган отахон ҳали ҳам ижод ва китобхонликни қанда қилгани йўқ. Низом ака ўз фаолияти давомида "Меҳнат ва турмуш" журналида бош муҳаррир ўринбосари, "Ўзбекфильм"да дубляж студияси раҳбари, "Янги аср авлоди", Фафур Фулом нашриётлари, "Тафаккур" журнали тахририятида турли лавозимларда самарали меҳнат қилган. Таржима ботида мактаб яратган ва китобхонларнинг меҳрини

қозонган адабларимиздан. Жаҳон адабиётининг кўзга кўринган номбўнадаларининг олтимишга яқин асарини ўзбек тилига ўғирган. Жумладан, грузин адиби Нодар Думбадзенин "Нишонга төгмаган ўқлар", "Абадиёт қонуни", немис ёзувчиси Эрик Мария Ремаркнинг "Эссизгина ёшлигим", "Уч оғайни", руслардан Александр Беляевнинг "Жаҳонгир", "Одам амфибия" каби асарлари таржимаси китобхонлар жавонидан жой олган.

— Биз, кекса авлод вакилларига кўрсатилётган юксак эътибор ва гамхўрлик учун Юртбошимиздан гоят миннатдорамиз, — дейди Низом Комилов (суратда). — Умримни журналистика, адабиётга бағишладим. Бундан ҳечам афсусланмайман. Журналист ҳаётини синчковлик билан кузатиб юриши керак. Шунда одамларга нафи тегадиган мақолаларни ёза олади. Бугунги давр журналистлардан тезкорликни талаб этапти. Кеч берилган ахборотнинг қадр пасаяди. Мен журналистларнинг меҳнати оғир эканлигини бошимдан ўтказганман. Аммо унинг нони ширин бўлади. Шунингдек, журналистикани савоблик касб деб биламан. Ҳар биримиз имкон қадар одамларга нафимиз тегишини ўйлаб яшаймиз. Биз, фахрийлар юртимизнинг янада раванқ топиши, фарзандларимизнинг комил инсон бўлиб вояга етиши учун куну тун дуодамиз.

Ўзбекистон матбуоти ва адабиёт ривожига муносиб ҳисса қўшган таниқли адиб, таржимон, Ўзбекистон халқ шоири Александр Файнберг ва унинг рафиқаси, журналист ва моҳир педагог Инна Коваленин номини ижод ахли катта ҳурмат билан тилга олади. Биз марҳум адибнинг хонадонида бўлиб, Инна опа билан суҳбатладик.

— Йўқлаб келганларингиздан бошим кўкка етди, — дейди И.Ковал. Кўп йиллар давомида матбуотда ишладим, ёш журналистларга устозлик қилдим. Ҳозиргача уларнинг асарияти мендан хабар олиб турибди. Бу — ўзбек халқининг халқларварлиги, инсоний қасдларидан далолатдир. Турмуш ўртоғим Файнберг ўзини ҳеч қачон бошқа миллат вакили деб ҳисобламас эди. Қаерга борса, Ўзбекистонга бўлган муҳаббатини ошқора намойиш этарди. У Алишер Навоий, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби улур ўзбек шоирларининг шеърларини рус тилига таржима қилган. Бу таржималар русийзабон китобхонларга гоят манзур бўлган. Адабиёт ва журналистика — ака-укадек гап. Мен журналистика соҳасида фаолият олиб борганимдан жуда мамнунман.

Навбатдаги манзилимиз Юнусобод тумани "Қадрдон" маҳалласининг 17-дахасида истиқомат қилаётган таниқли журналист ва шоира Гулчехра Жўраева хонадонид бўлди.

— 1963 йилда институтни тугатганимдан кейин ҳозирги "Ёшлар овози" газетасида иш бошлаган эдим, — дейди Гулчехра опа. — Бир йилдан сўнг раҳбарлар менга Фарғонага борасиз, вилоят матбуотини кўтариш керак деб қолишди. Бу пайтда янги оила қурган эдик. Турмуш ўртоғим билан водийга кўчиб бордик. У ерда маҳаллий газетда бир йил ишладим. Кейин яна Тошкентга қайтдик. Шундан сўнг ҳозирги "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида, адашмасам, ўн йилдан кўпроқ ишладим. Ҳозир ҳам шу газета билан ижодий ҳамкорлик қилиб келаман. Фарзандларим ҳам ижод йўлини танлаган. Бири — актёр, яна бири — рассом. Уларга ҳар доим китоб ўқишни уқтираман. Китоб — янги яши дўст. Давлатимиз раҳбарига, байрам кунлари бизни йўқлаб келган ҳамкасб — дўстларимизга, "Дўстлар клуби" ташкилотчиларига самимий миннатдорлик билдираман. Юртимиз янада ривож топсин. Қариялар кадр топган юртда эса меҳр-оқибат, кутбарака, тинчлик-хотиржамлик бардавом бўлади.



Қаранг, илгари жойларда рўй берган жиноятлар ҳақидаги статистика ташвиш билан айтиларди. энди йил давомида умуман жиноят рўй бермаган ҳудудлар ифтихор билан тилга олинди.

Ислохотлар халқ талаб-эҳтиёжларидан келиб чиқиб амалга оширилмоқда.

Тўғри, барча жабҳаларда қувончли ютуқларга эришялмиз. Лекин ҳали ҳам Юртбошимиз натажаларимиздан қониқмаяпти. Эришган марраларимиз босиқ-вазминлик билан баҳрланаяпти, бошқа жойлардаги

чиқаётганини Президентимиз аниқ кўрсатиб бердилар. Институтга келган ёш мактабда тўлиқ дастур асосида ўқимаган, мактабгача боғча босқичини ўтамаган. Натижада тарбияда ҳам, таълимда ҳам кемтиклик бор.

Халқимиз менталитети ҳаётда тартибли, одобли, қонунқондога итоат қилиб яшайди-кан инсонларни тарбиялаб келган. Азалдан сувга туپурма, ноннинг уовини ҳам увол қилма, деган тушунчалар ёшлар онига синдириб келинади. Шу руҳда тарбия қўлган бола катта бўлганда ҳам инсоф, динбат чегарасидан чиқмайди. Ёшлар тафаккурини эзгу руҳда шаклланти-

Франциялик машхур актёр Жерар Депардьё ўз юртидаги солиқ меъёри юқорилигидан норози бўлиб, бошқа мамлакатга бош олиб чиққани кўпчиликка аён.

Юртимизда ноёб санъат намунасига айланган тарихий обидалар жуда кўп. Мирзо Улугбек расадхонаси, Регистон майдони, Хивадаги Ичан қалъа, Исломуҳжа минораси, Бухородаги Минораи Калон, етти пир зиёратгоҳлари дунёнинг унча-мунча мамлакатидан йўқ. Ўзга ўлкалардан келувчи сайёҳларга виза олишда енгиллик яратилгани учун Ўзбекистонга келувчи туристлар оқими тобора кўпаймоқда. Лекин сайёҳлик йўналишлар

бидъат эмиш. Ишонасизми, кейинги пайтда матбуот душманлари пайдо бўлди. Ундайлар масалага боғлиқ бўлмаган нарсани ниқоб қилиб, обуна йўлига тўсиқ бўляпти. Бирор жойда обунага хайрихоҳлик билдирилса, криминал воқеа сифатида хабар берилмоқда.

Чуқурроқ ўйлаб кўрайлик, ҳар бир касб соҳибини ўз малакасини ошириш, ўз устида ишлаш ва маънавий эҳтиёжнинг қондириш учун ўзи қизиққан нашни ўқиб борса, нимаси ёмон? Аслида бу йўлдан юрмасдан "Обуна бизга нимага керак?" дейишнинг ўзи тартиб-интизомга зид эмасми? Зиёдан, илмдан қочиш жаҳолатга етакламайдими? Хусусан, Президентимиз ўз маърузасида жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари гоят муҳим ўрин тутганини таъкидлади.

Байрам кунлари хизмат юзасидан эмас, балки шу юрт фуқароси сифатида қизиқиб, Жиззах вилоятининг Мирзақўл туманига бордик. Гўё бошқа оламга тушгандай бўлиб қолдик. Рисоладагидек қурилган уйлар, кўркам кўчалар, кўчаларни қувнатувчи гулзорлар, яраклаган кўчалар, бир-бирдан гўзал инфратузилмалар хавасингизни келтиради. Фалаба, Мустақиллик, Мирзадала, Дўстлик ва Ержар маҳаллалари қайта турилгандай ажиб қиёфа касб этибди. Одамларнинг кайфиятидаги ўзгаришларни айтмайсизми! Ҳамма бир-бирига табассум билан боққан, шундай обод юртда яшаётганлигидан гурурга тўлган. Мана, инсон қўли қандай бунёдкор қудратга эга! Иккони бўлса, бошқа ҳудудлардаги аҳолини бу ерларга томошага олиб келиш керак. Токи улар "Биз ҳам булардан кам эмасмиз" деб ўз маҳалласини обод қилишга киришсалар. Эзгу ҳаракат кенг қулоч ёйса.

Биз ҳикоя қилган манзаралар осмондан тушган эмас. Юртбошимизнинг "Обод қишлоқ" дастури тўғрисидаги Фармонининг ҳаётбахш самарасидир. Фусункор кўриниш халқнинг ҳаётга бўлган муносабатини ўзгартирмоқда. Шундай кўтаринкилик одамларнинг қундалик турмушига маънавий бунёд этяпти. Яши яшаш, бунинг учун яши ишлаш, Ватан олдидаги бурчини англаш ҳаётимизни янада жойибали қилиши мукаррар.

# Яхши яшаш учун яхши ишлаш керак

кўрсаткичлар билан таққосланаяпти. Гап фақат иқтисодий натижаларда эмас. Жамиятимизда ўқитувчи касби халқнинг юксак иззат-обрўсига сазовор бўлиши, тиббиёт ходимлари учун муносиб шароит яратилиши, пировардида одамларимиз бой-бадавлат яшаш кераклиги ҳақидаги масалалар давлатимиз раҳбари томонидан айтилганда саройдаги тадбир қатнашчилари гулдурас қарсақлар билан олқишлади, телевизор орқали томоша қилаётган эл-улус ҳам бундай фикрлардан руҳи кўтарилди.

Халқимиз ҳаётини фаровонлаштириш, турмуш осойиштачилигини таъминлашнинг муҳим омилли қўшимча иш ўрни яратиш эканлиги ҳаммаимизга аён. Инсон иш билан машғул бўлса, моддий манфаат топса, ҳаёт фароғати ўз-ўзидан вужудга келади. Президентимиз бу борада масалани янгича қўйдилар: Битта ишсиз одам — 10 муаммога тенг. Мана, ислохотларни жорий этишда масаланинг долзарблиги. Буни вилоят, туман ва корхона миқёсидаги раҳбарлар шунчалик ҳис этсалар, шунга қараб иш тутсалар айни мудоао бўларди.

Қонунларга итоат қилиб яшаш — фуқароларнинг турмуш маданияти даражасини кўрсатади. Одамлар қонунга қўрққанидан эмас, балки онгли равишда риоя этсин. Бунинг учун инсон болалигидан маданиятга, одобаг ўрганиши керак. Конституцияни ўрганиш мактабгача тарбия муассасасидан бошланганига ургу берилётганининг сабаби шунда. Олий ўқув юртларидаги муаммолар қаердан келиб

риш заруратига эътибор қилинаётгани ана шунда.

Ислохотлар тақдирини ҳар бир фуқаро учун дахлдордир. Кимда-ким "Биз кичкина одам, катталар ўзлари ҳал қилишади" деб ўйласа, қаттиқ янглишади. Ахир ҳамма ҳаракат ҳаётимизни яхшилаш учун қаратилган экан, ундан четда туриб бўлмайди. Бу борада жамоатчилик назоратининг ўрни алоҳида эканлигини айтиш керак. Масалан, 2018 йилда олий ўқув юртларига қабул жараёнида тест синовлари эл-юрт кўз ўнгида ўтди. Синов ўтказилаётган хоналардаги манзара "онлайн" режимида телевидениенинг махсус каналида тўғридан-тўғри кўрсатиб борилди. Ўрнатилган тартиб бузилган ҳолатлар ҳақида кенг жамоатчилиқка маълум қилинди. Ота-оналар, умуман ҳар қандай фуқаро бу шаф офликдан адолат таъминланганига ишонч ҳосил қилди.

2019 йилнинг 1 январидан ҳаммаининг ойлик маошига барак киради. Солиқ соҳасида Президент ташаббуси билан жорий этилган қонунчилик биноан аҳолининг солиқ юки икки ҳисса енгиллашади. Тўғри, бу ҳақда оммавий ахборот воситалари орқали шарҳлар берилмоқда. Лекин ҳали ҳам солиқ соҳасидаги туб ўзгаришлар ҳақида халқимиз етарли хабардор эмасга ўхшайди. Бир қарашда солиқ салмоғи катта бўлса, давлат хазинасига кўп маблағ тушаётгандай. Аслида солиқ юки оғирлашгани сайин ундан яширинувчилар кўпайиб, "хуфёна" иқтисодиёт улуши ошиши мумкин.

римишни кўпроқ тарғиб этсак, юртимизда туризм индустрияси янада юқори даражага кўтарилишига шубҳа йўқ. Ўтмишдаги буюқ аждодларимиз бизларга бебаҳо хазина қолдирганини қадрлайлик.


Президентимиз ўз маърузасида "Мен оммавий ахборот воситалари фаолиятини мунтазам кузатиб бораман" деганларидан соҳамиз қанчалик масъулиятли эканлигини билдан ҳис қилдик. Танқидий чиқишлар камлиги тўғри таъкидланди. Эришаётган ютуқларимиз ўзимизники. Биз, журналистлар жойларда ислохотларга тўсиқ бўлаётган омиллар ҳақида дадил, холис ва рўй-рост ёзишимиз керак. Ахир ҳамма жойда ҳам ишлар силлиқ кетмаётгани бор гап-ку! Бунинг учун ҳамкасбларимиздан шижоат, профессионал маҳорат, холислик ва чуқур таҳлилий салоҳият талаб этилади. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари жуда маъқул фикрини билдирдилар.

Сўз айтиш азалдан маъсул, оқибатли юмуш бўлиб келган. Бугун баъзи инсонлар очик, ошқора замон келди деб, кўнглига келган гапларни айтишда жилловни қўйиб юборяпти. Буни қарангки, инсоният цивилизациясининг ёрқин кўриниши саналимиз газетая, журнал ўқиш, даврий нашрлардан баҳраманд бўлиш кечаги кундан қолган



Ушбу материал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотикорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан давлат субсидияси ахратилган "Жамоатлар стратегияси — юқалиш стратегияси" номли лойиҳа асосида чоп этилмоқда. (С/17)

## ► Икконият



Жамшид Норқобилов (ЎЗА) фотоси

# Қаршида телевизор ишлаб чиқарилмоқда

Худудларда корхоналар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани ва барқарор ишлаши учун зарур имкониятлар яратиб берилётгани жойларда ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишида юксак самаралар бермоқда.

Буни Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида фаолият кўрсатаётган "Biss electronics system" МЧЖ фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Корхонада замонавий телевизорлар ишлаб чиқарилаётир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 24-25 февраль кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида аҳолининг маъиший техникалар билан таъминлангани унинг турмуш даражаси асосий кўрсаткичларидан бири эканини алоҳида таъкидлаган ва бу борада мутасаддиларга зарур топшириқлар берган эди.

Ушбу топшириқлар асосида муайян чоратадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 июлдаги қарори асосида "Biss electronics system" масъулияти чекланган жамияти томонидан умумий қиймати 2 миллиард сўмлик бўлган лойиҳа доирасида телевизорлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва бунинг натижасида 40 га яқин иш ўрни яратилди. Айни пайтга қадар бу ерда 3 минг доня телевизор ишлаб чиқарилди. Йил охиригача бу кўрсаткич 8 минг доняга етади.

Йилига 25 минг доня телевизор ишлаб чиқариш қувватига эга корхона маҳсулотларини экспортга йўналтириш ҳам режалаштирилган. Яратилган янги иш ўринларида асосан касб-хунар коллежларини битирган ёш мутахассислар меҳнат қилмоқда.

— Президентимиз топшириқлари ижроси доирасида замонавий телевизорлар ишлаб чиқаришини йўлга қўйдик, — дейди корхона раҳбари С.Ғайбуллоев. — Маҳсулотга ҳозирданқо талаб юқори. Корхона тўла қувват билан иш бошлаган, маҳсулотнинг асосий қисми экспортга йўналтирилади. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш тармоғи ҳам кенгайтирилади. (ЎЗА)

► Ифтихор

Кўпчилик олдида мени ноқулай аҳволга солиб қўядиган бир нуқсоним бор: Миллий мадҳиямиз янграй бошлаши билан (Худо ҳаққи) вужудимга ёқимли иситмадек бир титроқ оралайди. Кўнглимнинг тубида йиғиға ўхшаш бир дард бош кўтаради. Ва киприкларим намланганлигини илғайман. Уялиб кетаман гоҳида.

Турдимурод МУСТАФОЕВ  
журналист

Шундай хижолатпазлик туйиб юрган кунларимдан бирида қайсидир газетада машҳур футболчимиз Одилжон Аҳмедов билан мусохабани ўқиб қолдим. Узимга "нуқсондош" десамми, "характердош" десамми, топилганидан астойдил қувониб кетдим. Мен-ку айрича жисмоний кўрсаткичлари билан учоворага киролмайдиган, қатъияти билан мақтанолмайдиган ўртамиёна одам, аммо Одилжон-чи! Камчининг ўримидай чайир, вужудидан куч ёғилиб, нигоҳида шиддат уйнаб турадиган, дунё кўрган машҳур спортчимиз ҳам мендек "йиғлоқи" экан. У менга ироданинг тимсоли бўлиб кўринади! Негажбик, кўзларига кучи етмас экан: Мадҳиямиз чалиниши билан киприклариға ёш сизиб чиқармиш.

Одилжон бу ҳолатига изоҳ тополмай қийналармиш.

Дунё дунё бўлгандан бери не-не зукко каллаҳонлар айна жумбоққа ечим излаб қийналиб келган экан, бу хусусда бош қотиришни сен билан менга ким қўйибди, Одилбой!

Сезганмисан, ўша кўзинг ёшлана бошлаган аснода қўйиб беришса, роса ўнта голни михлаб ташлагудай, рақибларни "еб юборгудек" тизгинсиз қудратга тўласан. Мадҳия вазмин янграш баробарида секин-аста кўтариллаётган қадрдон Байроғимиз ортида... бор умидини кўзларига йиғиб, онанг термулиб турган бўлади.

Билиб қўй, жигарим: ким нима деса даяверсин, ёнокларинг нам бўлган қўйи, бошингни тик тутиб йиғлайвер, халқимизнинг икки буюк фарзанди Абдулла Орипов ва Мутал Бурхонов яратган Мадҳиямиз янграганида!..

Бундан анча йиллар олдин Бандихон туманига сочилган ризқимни териб еб юрган кунларимда туман ҳокимлигиға Олимжон ака келиб қолди. Ҳа, ўша кўпчилик яхши билладиган машҳур очеркнавис Олимжон Усанов.

Шу кун ҳокимлик мажлислар залда биринчи Президентимизнинг "Ўзбекистон: иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида" китоби юзасидан ўқув семинари ўтказилаётган эди. Ислохотларнинг биринчи босқичи — халқни назарий жиҳатдан тайёрлашга бағишланган боб бўйича камини минбарга чиқишим лозим эди. Олимжон аканинг иштирокидан ҳаяжонланганим баробарида ўзимга "хушёрлигим" ҳам ортиб кетди, чамаси. Балки ўзимни бир "кўрсатиб" қўймоқчи бўлгандирман. Ишқилиб, мулоҳазаларим жонли ва ҳаётий чиқиши учун сал "ўтлаб" кетиб: "Халқимизнинг янги давр билан ҳамнафас бўла бошлаганлигини давлат раҳбарлариға муносабатдан ҳам билиб олиш мумкин. Зеро, бугун мустақил Ватанимиз Мадҳиясини, ҳатто бочча боласи ҳам шариллатиб айтиб бера олади", деб юбордим.

Олимжон ака ён дафтарига ниманидир илдириб қўйганини илғаб қолдим. Минбардан тушиб келар эканман, ҳис қилдимки, одам ўзини қанча кўп назорат қилса, саҳв шунчалик қўяра экан. "Шариллатиб айтиб берармиш... Мадҳия алфавитидики, уни шариллатиб айтиб бериш билан мақтаниб бўлса?"


Семинар тугади. Мен Олимжон аканинг ёниға бордим. Нуфузли газетанинг махсус муҳбири, таниқли журналист ёзилажак мақоласини фактлар билан бойитиш учундир, мажлисонданан чиқиб кета бошлаган масъул раҳбарлардан учтўрт нафарини самимий илтимос билан тўхтади ва Мадҳиямиздан икки қаторини айтиб беришини сўради.

Масъул раҳбарлар безовталик аралаш хижолат билан "ер сингаллаб" қолишди. Уларнинг орасидан басавлатроғи (бинобарин, далилқулироғи) секин келиб Олимжон акани қўлтиқлаб чеккалатди. Ва айбдорона изоҳ бермоққа ботинди:

— Бу... Олимжон Усанович, иш кўп десаңгиз. Болаларим билан бирга овқатланмаганимга ҳам хийла бўп кетди. Шу... ёдламаган эканмиш. Лекин албатта ёдлаймиш. Ўзимизда ҳам айб бор: ҳафсала қилмаганмиш. Илтимос, гап-сўз қилиб юрсангиз... Район янги, проблема кўп.

Сўнг ишора қилиш мумкин бўлган жами аъзолари билан нималаргадир шаъма қила бошлади.

Олимжон ака мулоиминга қараб қўйди-да, аста улардан узоқлашди.



Жонибек Қўзимуродов фотоси

# Тизгинсиз қудрат

## Россиянинг Красноуральск шаҳрида муҳожирлар майдонга тушди

Салобатли раҳбарларнинг қўзи менга тушди ва чўкаётган одамдек ёпишиб олишди:

— Мухбир ука, қуш тилини қуш биллади: устозингиз билан гаплашинг, бирор нарса ёзиб юборгудек бўлса, районга минус бўлади. Хизмат-пизмат бўлса, гап йўқ!

— Йўғе, Олимжон ака бундай майданга гапларни кўтариб юрадиганлар хилдан эмас, — деб тинчлангирдим.

Шу аснода денг, хаёлимда бир галати фикр айланарди: "майда гап эмиш! Ахир, Миллий мадҳияни билмаслик Онанинг исмини билмаслик каби жоҳиллик-ку. Жоҳиллик ҳамма замонларда айб саналган. Айбнинг эса катта-кичиги бўлмайди".

Дунёни шаффоф ойналар ортидан кузатиб ўрганган айрим акаҳонлар хорижга иш излаб кетганларни баъзида ношукрга чиқариб қўйишади. Мен Ватан қадрини ҳеч ким мусофирчаллик англай олмаганини билмаман. Туғилган гўшасидан узоқларда ишлаб юрган йигитларнинг йиғлаганларини кўзим билан кўрганман.

Россияга навбатдаги "сафарларим"нинг бирида Красноуральск деган қишлоққа шаҳарчада ҳамқишлоқларим билан бирга ишладим. Рус тилида "моя не понимаю" дейишдан бошқасига охирик қилладиган йигитларнинг кўп мушкулларини осон қилдим. Харна, кўзи очилмаган юртдошларининг орасида сал-пал тил билган, тиш қоққан одамнинг бўлгани яхши экан. Йигитлар ҳам ҳиммат қилишди: "Ака, Сиз бизга овқат пишириб бериб турсангиз, бас", деб мени қора ишлардан буткул озод қилишди.

Бўш вақтимда болалар ишлаётган қурилиш майдончасига борар, Витя деган прораб йигит билан хангомалашиб ўтирардик. Гурунгда мавзу ётарли. Ўша кунларда футбол юрган МДХ давлатлари кубоғи учун ўйинлар ўтказилаётган ва ўзбекистонлик футболчилар яхшигина одимлаб боришаётган эди.

Витя ошман билан кубокнинг тақдирини борасида тортишиб қолдик. Витя, Россия ҳамма термаларнинг бурнини ерга ишқалаб қўяди, деб қариллади. Мен эса, ўзбекларда яхши от кейин чопади деган гап бор, ҳали ҳаммаси олдинда, деб унинг попуғини "сал пастроқ туширмоқчи" бўлдим. Хуллас, икковимиз қишлоққа қишлоққа қолдик.

Мен одатдагидек ҳовлиқиб: "Витя, сен термани қўя тур, мана шу болақайлар ҳам шаҳарчаннинг луб-бой командасини титиб ташлайди", деб, ўртага кўп нарсани тикиб юбордим. Витя аввал жиннига қарагандай, бетимга барқаройиб қолди. Кейин кўрсаткич бармоғини чаккасига нуқиб, бошини ирғади. Сўнг думалаб-думалаб қулди. Бунга сари ҳажлимиз тугди. Уни гажиб ташлагудек ваҳожат билан: "Ташла беши! Агар бизникилар ютказса!..", деб, ўртага кўп нарсани тикиб юбордим. Витя ошман ашаддий қиморбоздек кўзлари ёниб кетди ва шартта қўл ташлади. Энди ортага қайтиш йўқ, Эртагаёқ шаҳарча стадионида ўйин ташкил қиладиган бўлдик.

Йигитларни эргаштириб, айтилган вақтда келишилган жойга бордим. Бордим, ичимдан бир нарса узилиб кетгандай бўлди. Хўрлигим келди. Шаҳарнинг чайир, бўйдор, ҳар бири тўпни ёнғоқдай ўйнатадиган йигитлари чиройли футбол либосида машғул ўтказмоқда эди. Тўпни ерга теккизмай, ажиб бир эпчиллик билан маҳоратини намойиш қилар, рақиб юрағига қўрқув солмоқчи бўларди гўё.

Ўзимнинг "футболчиларим"га қараб юрагим увишиб кетди: шўрликчалар, кун бўйи бетон ташиб эзилган, тўйиб-тўймай овқат еб юрган, кўзлари киртайган, оёқларида кампада икки килолик... кирза этик, пошнаси қалин ботинка.

Шарманда бўлишимиз аниқ, Мен, нодон уларни бировлар масҳара қилиши учун эрмакталаб олифталар орасига бошлаб келдимми?

Умидсизликка тушганимни сездириб қўйдим шекилли, йигитларимнинг мазаси қочди.

Шу пайт... хаёлимга бир режа келди. Йигитларни сафга тизиб, майдон ўртасига дадил бошладим. Аллақачон саф тортиб, бизни "икки ямлаб, бир ютишга" шайланиб турган "местний" рақибларимиз илмоқли ва маъноли пичинглар билан қутиб олишди.

Ҳаяжондан овозим титраб: "Йигитлар, мен миллатимиз номидан катта гапириб қўйдим! — дедим. — Ўртага Ватанимизнинг ори, халқимизнинг номуни тикилган... Бошқа гапим йўқ. Энди бир лаҳза Она-Ўзбекистонимизни эсга олайлик!"

Ва кўнгангидан телефонимни чиқардим.

Давлатимизнинг Мадҳияси стадион бўйлаб жаранглаб кетди. Қадрдон Мадҳиямиз! Бир қафт тупроғига зор, бир қултум сувига ташна, қуёшининг бир тугам нури тушларимизга киришини орзу қилиб юрган Ватанимизнинг Мадҳияси!

Мен севилими қўшиғимни бошладим:

"Серкўёш, хур ўлкам!.."

Қўлларини қўқсига қўйиб турган йигитларим давом эттирди:

"Элга бахт, нажот"

Руслар аввалига хиринглаб, уриришди. Кейин... негандир жим қўлиб қолишди. Мен баданимга бир ваража кириб, кўзларим намланаётганини сездим. Лекин нигоҳимни олиб қочмадим. Кўзларимдан дувиллаб оқаётган ёшларимни яширмай, йигитларимга қараб, овозимни баралла қўйиб севилими қўшиғимни айтавердим. Йигитларим жўр бўлаверди: "Сен ўзинг дўстларга йўлдош меҳрибон!..". Баъзи сафдошларимнинг лаблари титраб, бошлари беихтиёр тенгсалиб кетаётганлигини кўриб, ичимда бир олов ловуллаб кетганини сездим. Мусиқа тинган маҳал...

Эпирай, кўзларимга ишонолмадим: қаршимда бутунлай бошқа одамлар, йўқ одам эмас, шерлар, арслонлар, девлар турар эди! Лаблари қаттиқ қимтилган, кўзлари чақнаган, қўллари мушт тугилган. Улар осмондан тушдими? Ўйинчиларимиз тапир-тулур

оёқларидаги этикларни, эгиларидаги пахталик "либослари"ни ечиб, тўри келган томонга отди. Почаларини, энгларини шимарди.

Кўпқарни соғинган отни кўрганмиз! Йигитларимизнинг майдондаги ирғилиши улукни соғинган асов отни эслатарди.

Ўйин бошланди. Йигитлар жонқолатда тўпга ташланди. Ўзини яяб ўтирмади. Бутса зарбини писанд қилмади. Чирпирак бўлиб йиқилса ҳам, юзи лат еб, тиззаси шилинса ҳам, тўпнинг изидан қолмади. Тўпни рақибига бермади.

Роса икки тайм ўтди.

Шаҳарнинг димоғдор футболчилари ер билан битта бўлди: муҳожирлар, мусофирлар, мардикорлар уларнинг дарвозасига жавобсиз учта тўпни жойлаб қўйди.

Ўйин тугади.

Йигитлар энди тўпни ташлаб, менга ташланди. Бағримга отилди. Ҳаммамиз йиғлади, бор овозимизни қўйиб йиғладик. Мен уларнинг суз кўрмаган сочларини силар, соқоллари патак бўлиб кетган юзларидан ўпар ва елкаларига миннатдор қоқар эдим.

Бир пайт қарасам, рақибларимиз ҳам, майдон четида серрайиб қолган томошабинлар ҳам йиғлаётлар. Ҳеч кимнинг тили гапга айланмади. Бўзгайга нимадир тикилган..

Витя ошман икки қўлини ҳам баланд кўтарди: "Браво!"

\*\*\*

Ишдан қайтишимда йўлим маҳалламиздаги боғчаннинг ёнидан тушади. Баъзан болалар билан ҳамроҳ бўлиб қоламан. Бироз гўдақфеъллигим бор: ширинтойларни гапга солгим келаверади.

Бир гал онаси билан кетаётган жажжигна қизалоқни саволга тўтдим:

— "Серкўёш"ни биласанми, қизим?

— Ҳа, биламан!

— Қани, айтиб бер-чи.

Шунда бегубор суҳбатдошим жажжигна қизалоқни гўз тутиб, миттигина қўлчасини қўқсига қўйиб, четрасига ақлбигна жиддийлик бериб айтиб юборди:

Серкўёш, хур ўлкам, элга бахт, нажот, Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон...

Бўзимга яна бир нарса тикилиб қолгандай бўлди. Намлана бошлаган кўзларимни яшириш учун энгашдим-да, қизалоқнинг пешонасидан ўпдим ва шу аснода кўзимни киши билмас артиб олдим. Кейин эса худди "анақароқ одам" каби шошилганча йўлимга равона бўлдим. Бегубор миттивой менинг меҳримни ҳис этгандир, аммо онасига жинни бўлиб кўринганим аниқ. Менга барибир эди. Токи, "Аждодлар мардона руҳи сенга ёр" ва "Эркин ёш авлодлар сенга зўр қанот" экан, табарруқ номинг осийшталлик ва фаровонлик тимсоли бўлиб, миллионлаб юракларни жунбушга келтирган қўйи жаранглайверади, Серкўёш хур ўлкам!..

# Яна синов: яна қиш келди



Ичимлик суви ва канализация тизимини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида, биринчи навбатда, аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражасини оширишга, яъни тоза ичимлик суви танқис ҳудудларда сув иншоотлари қуришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аниқ рақамларга тўхталсак, кейинги бир ярим йилда аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 67,1 фоизга етди.

145,7 километр янги тармоқ қурилиб, мавжуд 4,07 километри таъмирланди. Тўққизта сув ва ўн учта сув чиқариш иншооти пухта ишлаш ҳолатига келтирилди. 39 сув иншооти эса модернизация қилинди ва қўшимча 38 сув чиқариш фойдаланишга топширилди.

Аҳолига оқова хизматлари кўрсатиш қамровини ошириш борасида Жаҳон банкининг 49,3 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредити ҳисобидан Самарқанд шаҳридаги тозалаш иншоотлари ва канализация тизимларини реконструкция қилишнинг 2016-2019 йилларга мўлжалланган 2-босқич қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, бугунги кунгача Самарқанд шаҳар аҳолисининг оқова хизматлари билан таъминлаш даражаси 70,1 фоизга етди. Фарход шаҳарчасидаги оқова сувларини тозалаш иншооти тўлиқ реконструкция ва модернизация қилинди, 28,8 километр янги тармоқ қурилди.

Бундан ташқари, лойиҳа доирасида шаҳар оқова тозалаш иншоотида реконструкция ва ускулналарни замонавийлаштириш йўналишида 2018 йил 31 январда Франциянинг "SADE" компанияси билан имзоланган шартнома асосида қурилиш ишлари олиб борилмоқда. 21 километр янги оқова тармоқлари, битта оқова насос станцияси (СП-3) реконструкцияси ва иккита янги оқова насос станцияси қурилиши бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

— Қиш яқинлашгани сайин аҳолини яна бир муҳим савол қийнайди: иссиқлик таъминоти қачон тикланади? Умуман, шу хизматдан умид қилса бўладими?

— Олдимизда 2017 йилга қадар аҳоли орасида ўз мавқенини йўқотиб улгурган ва иқтисодий жар ёқасига келиб қолган вилоят "Иссиқлик манбаи" давлат унитар корхонаси фаолиятини тубдан яхшилаш ва қозонхоналарни модернизация қилиш масаласи турибди. Бу борада халқаро молия институтини маблағ ҳисобидан тайёрланган лойиҳани имзолашга эришилди. Вазирлигимиз томонидан ушбу корхона фаолиятини қайта тиклашга катта замин яратилмоқда.

Жумладан, қўп хонадонли уй-жойларда тарказлашган иссиқлик таъминотининг йўқлиги, вилоят "Иссиқлик манбаи" ДУКга қарашли марказий иссиқлик узастиш тармоқларининг эскириб, ярқисиз ҳолга келиб қолганлиги энг катта муаммоли масалалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирда 2018-2022 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, "Иссиқлик манбаи" ДУК ва Финляндиянинг "FCG Design and Engineering Ltd" консалтинг гуруҳи мутахассислари билан ҳамкорликда техник иқтисодий асос (ТЭО) ишлаб чиқилиб, молиялаштириш бўйича Жаҳон банкига тегишли хулоса олиш учун тақдим этилган.

Лойиҳанинг 1-босқичида Самарқанд шаҳрининг тўртта масканидани, жами 377 кўп қаватли уй-жойга ва 26 ижтимоий соҳа объектларига иссиқлик етказиб берилиши кўзда тутилган. Бу ишлар Жаҳон банкининг 25 миллион долларлик кредит маблағлари ҳисобидан амалга оширилди. Бундан ташқари, Самарқанд шаҳрининг Темир йўл ҳудудида жойлашган "PK-1" марказий қозонхонасини реконструкция қилиш ва 93 кўп қаватли уй-жойларга иссиқлик энергияси етказиб бериш ҳамда "Догрев" марказий қозонхонасини реконструкция қилиш орқали Навоий, Гагарин, Ш.Руставели кўчаларидаги 63 кўп хонадонли уй-жойларни иссиқлик билан таъминлаш лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

тиш қозонхонанинг ва иссиқлик узастиш тармоқларининг эскириб, ярқисиз ҳолга келиб қолганлиги энг катта муаммоли масалалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирда 2018-2022 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, "Иссиқлик манбаи" ДУК ва Финляндиянинг "FCG Design and Engineering Ltd" консалтинг гуруҳи мутахассислари билан ҳамкорликда техник иқтисодий асос (ТЭО) ишлаб чиқилиб, молиялаштириш бўйича Жаҳон банкига тегишли хулоса олиш учун тақдим этилган.

Лойиҳанинг 1-босқичида Самарқанд шаҳрининг тўртта масканидани, жами 377 кўп қаватли уй-жойга ва 26 ижтимоий соҳа объектларига иссиқлик етказиб берилиши кўзда тутилган. Бу ишлар Жаҳон банкининг 25 миллион долларлик кредит маблағлари ҳисобидан амалга оширилди.

Бундан ташқари, Самарқанд шаҳрининг Темир йўл ҳудудида жойлашган "PK-1" марказий қозонхонасини реконструкция қилиш ва 93 кўп қаватли уй-жойларга иссиқлик энергияси етказиб бериш ҳамда "Догрев" марказий қозонхонасини реконструкция қилиш орқали Навоий, Гагарин, Ш.Руставели кўчаларидаги 63 кўп хонадонли уй-жойларни иссиқлик билан таъминлаш лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

— Илк марта соҳада аҳолига қулайликлар яратиш учун Республика бюджетидан Самарқандга 50 миллион АҚШ доллар ажратилди. Бу пуллар қайси йўналишга сарфланади?

— Президентимизнинг 2018 йил 16 мартдаги "Самарқанд вилоятини ободонлаштириш ва фаровонлигини ошириш жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан ташкил этилган Самарқанд вилоятини ободонлаштириш ва фаровонлигини ошириш жамғармасига тушган маблағ ҳисобидан шаҳарнинг Беруний кўчасидаги, жами 30 кўп қаватли уй-жой учун алоҳида қозонхона ҳамда шаҳар марказида жойлашган ўнча уй-жой учун иккита локал қозонхона қуриш белгиланиб, бажариш учун пудратчи ташкилотларни танлашда тендер савдолари ўтказилмоқда. Шунингдек, ушбу маблағ ҳисобидан Самарқанд вилоятининг йўл, кўп хонадонли уй-жой фонди, тоза ичимлик суви, иссиқлик энергияси таъминоти, тунги ёритиш тизими ва ободонлаштирилиши бўйича манзилли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланди.

Айни пайтда уй-жойлар ҳолати, куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича мунтазам мониторинг олиб борилмоқда. Жорий йилда кўп хонадонли уй-жой фондини таъмирлаш ҳамда худудларни ободонлаштириш борасида вилоятимизда 45 миллиард сўмлик ишлар, шундан 35,9 миллиард сўми тижорат банкларининг кредит маблағлари ҳисобидан, амалга оширилди.



► Муносабат

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2018 йил 3 августда ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашувда шундай савол қўйган эди: "Мамлакатимизда олиб борилган бугунги кенг кўламли ислохотлар, янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнида ижодкор зиёлиларимизнинг ўрни ва ҳиссаси қандай бўлмоқда?" Дарҳақиқат, ушбу саволга тўлақонли, "яхши", "фаол" деб жавоб берадиган ишлар борми? Маданият соҳасида эришилаётган ютуқлардан кўнгли тўладими?

# Миллий маданият концепцияси Туб бурилиш сари дадил қадам

Холида ФАЙЗИЕВА

"Hurriyat" мухбири

Президентимизнинг 28 ноябрь куни эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ушбу саволларга жавоб бўлди. Унда миллий маданиятни янада ривожлантиришга тўққинлик қилаётган қатор камчиликлар кўрсатиб ўтилган. Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавий қадриятлари бор. Ушбу маънавий меросни асраб-авайлаш ва жаҳон маданияти билан уйғун ривожлантириш учун нима қилмоқ керак? Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида миллий маданиятни кенг тарғиб этиш, унинг халқро маданий маконда тугган ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш учун олиб борилган сарф-харажатлар қоникқилими?

— Концепция соҳага доир барча муаммоларни комплекс ҳал қилишга қаратилган, — дейди Маданият вазирлиги ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиги Санжар Бобоқонов. — Вазирликдан бошлаб энг куйи бўйича барча йўналишлар бир-бирига мутаносиб тарзда қайта кўриб чиқилиб, ривожлантирилиб борилди. Ушбу ҳужжатда республика бўйича ҳудудларнинг хилма-хиллиги, мавжуд имкониятлари ҳам ҳисобга олинган. Турли миллат вакиллари истиқомат қилаётган чекка туманларда маданиятлар хилма-хиллиги ҳам бўлиши табиий. Куйи бўйича фаолиятини ташкил этишда булар албатта ҳисобга олиниши керак. Шу пайтгача тизимда ягона ҳуқуқий база яратилмаган эди. Ушбу қарорга кўра, 2019 йилнинг 1 июнига қадар "Маданият тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш топширилди. Соҳа вакиллари рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Эндликда "Маданият ва санъат фидокори" кўрак нишони таъсис этилади. Тизимда ўттиз, қирқ йиллаб фаолият кўрсатган, аммо давлат мукофотлари билан тақдирланмаганлар бор. Уларнинг кўпчилиги рағбатлантиришга аризулик ишлар қилинган. Бундан ташқари, концепцияда миллий танловларга алоҳида урғу берилган. Мазкур танловлар ғолиблари бўлган ёшларга (ҳар бир танловдан бир нафардан) олий таълим муассасасига кириш учун грант берилди. Маълумки, ҳафтанинг сешанба, жума кунлари музейлар бепул хизмат кўрсатади. Энди аҳоли учун яна бир қулайлик яратилди — ҳар йили 21-27 март кунлари ўтказила-

диган театр ҳафталигида бепул томошалар, спектакллар намойиш этилади...

Дарҳақиқат, қарорда миллий маданиятни ривожлантириш концепциясини амалга оширишга қаратилган қатор вазифалар кўйилган. Унда қайд этилган камчиликлар соҳада қилинажак ишлар ҳали талайгина эканини кўрсатади. Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази директори Азамат Хайдаров ушбу қарор ва концепция борасидаги фикр-мулоҳазаларини баён қилар экан, ана шундай ишларга эътибор қаратди:

— Давлатимиз раҳбарининг шундай сўзлари бор — маданият ривожланмаса, жамият тараққи этимайди. Ҳақиқатан, бунинг ҳаётини кўрсатиб турибди. Концепцияни вазирлик тизимидаги ҳар бир ходим — мусиқа мактаби ўқувчиси бўлади, маданият ва санъат институти талабасими, синчилаб ўрганиши керак. Махаллий ҳокимликлар ҳам концепциядан хабардор бўлиши, маданият бўлими мудири билан ҳамкорликда иш олиб бориши лозим. Демокриманки, унда миллий маданиятни ривожлантириш ҳақида гап кетар экан, дастлаб моҳиятини англаш, сўнг тарғиб қилиш масаласи зиммамизда турибди. Авваллари чекка қишлоқларга бориб хизмат кўрсатадиган автоклублар бўларди. Ушбу фаолият қайта тиклангани яхши бўлди. Негаки, автоклублар орқали маданий хизмат кўрсатиш билан бирга, газета-журналлар тарқатилади, китоблар тақдим этилади, одамлар янги чиққан қонун, фармон ва қарорлардан хабардор бўлади. Премьерада киносаройнинг катта зали томошабинлар билан тўлиб, кичик залларни очишга ҳам эҳтиёж туғилди. Ижодий ғуруҳ саҳнага тақлиф этилди, томошабинларга таъиниришди. Томошадан ҳар ким ҳил таассурот олиб қайтгани тайин. Кимдир фильм зўр чиққани айта, кимдир асарни ўзида акс эттиролмабди, деди. Биз ҳам ўз назаримизга монанд таассурот олдик. Сўнг истак туғилдики, фильм режиссёри Сарвар Каримов билан суҳбат қилиб, уни муштарийлар эътиборига ҳавола этсак. Лекин айни "парвоз" пайтида гап бергил қайфияти бормикин жано б режиссёрнинг, дея ўйланиб қолганимиз ҳам бор гап. Адашган эканмиз, Сарвар Каримов машурликнинг ортиқча инжиқликларисиз суҳбат кўрмоққа мамнунлик билан рози бўлди. Қишки офтобнинг деразадан тушиб турган жон элитувчи нурида кўк чойдан хўплаб курган суҳбатимиз мазмунли ўтди.

— "Сарвқомат дилбарим"ни фильм қилиш хаёли бошингизга қаердан келиб қолди? — Чингиз Айтматов — энг яхши кўрган ёзувчиларимдан. Лекин унинг асари асосида фильм ишлашни ўйлаб кўрмаган эдим. "Сарвқомат дилбарим" асосида фильм олиш фикри киргизилган "ДАН" продюсерлик марказидан чиққан. Биласиз, бу йил адибнинг тўқсон йиллиги мамлакатимизда ҳам кенг нишонланяпти. Қиргизлар ўзбек киноижодкорлари билан ҳамкорликда фильм ишлашни режалаштирган ва тақлиф билан "Ўзбекино" Миллий агентлигига муражаат қилган экан. Агентлик раҳбарияти ча-

Сарвар Каримов 1986 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон давлат санъат институтида таҳсил олган. «Ўзбекфильм» киностудиясида постановкачи-режиссёр. "Сехрли қалпоқча", "Сариқ девни миниб", "Йўқотилган вақт", "Сарвқомат дилбарим" фильмлари билан кино ихлосмандларига яхши таниш.



# “Юксак дидли томошабинни соғиниб яшаймиз”

“Сарвқомат дилбарим” бадиий фильмининг бош режиссёри Сарвар КАРИМОВ билан суҳбат

Сирожиiddин ИБРОҲИМ

"Hurriyat" мухбири

Дунё ёзувчиларининг сараларидан бўлган Чингиз Айтматовнинг "Сарвқомат дилбарим" қиссаси асосида олинган бадиий фильм премьераси яқинлашгани сари мухлислару киношунослар орасида гала-говур кўлайди. 16 ноябрь кунини Айтматовнинг кино саройида фильмни тасвирга олиш жараёнига бағишланган матбуот анжумани ва асарнинг премьераси бўлиб ўтди.

Матбуот анжуманида таъкидландики, фильм Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида "Ўзбеккино" Миллий агентлиги буюртмасига биноан "Ёшлар ижодий тажриба студияси" ДУК (Ўзбекистон) ҳамда "ДАН" продюсерлик маркази (Қирғизистон) томонидан тасвирга олинган.

Ижодий жараён Ўзбекистоннинг Наманган вилоятига қарашли Нанай, Мамай, Говва қишлоқларида, Наманган шаҳрида, Қамчиқ доғида, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳамда Қирғизистоннинг Иссык-Кулда кечган.

Премьерада киносаройнинг катта зали томошабинлар билан тўлиб, кичик залларни очишга ҳам эҳтиёж туғилди. Ижодий ғуруҳ саҳнага тақлиф этилди, томошабинларга таъиниришди. Томошадан ҳар ким ҳил таассурот олиб қайтгани тайин. Кимдир фильм зўр чиққани айта, кимдир асарни ўзида акс эттиролмабди, деди. Биз ҳам ўз назаримизга монанд таассурот олдик. Сўнг истак туғилдики, фильм режиссёри Сарвар Каримов билан суҳбат қилиб, уни муштарийлар эътиборига ҳавола этсак. Лекин айни "парвоз" пайтида гап бергил қайфияти бормикин жано б режиссёрнинг, дея ўйланиб қолганимиз ҳам бор гап. Адашган эканмиз, Сарвар Каримов машурликнинг ортиқча инжиқликларисиз суҳбат кўрмоққа мамнунлик билан рози бўлди. Қишки офтобнинг деразадан тушиб турган жон элитувчи нурида кўк чойдан хўплаб курган суҳбатимиз мазмунли ўтди.

— "Сарвқомат дилбарим"ни фильм қилиш хаёли бошингизга қаердан келиб қолди? — Чингиз Айтматов — энг яхши кўрган ёзувчиларимдан. Лекин унинг асари асосида фильм ишлашни ўйлаб кўрмаган эдим. "Сарвқомат дилбарим" асосида фильм олиш фикри киргизилган "ДАН" продюсерлик марказидан чиққан. Биласиз, бу йил адибнинг тўқсон йиллиги мамлакатимизда ҳам кенг нишонланяпти. Қиргизлар ўзбек киноижодкорлари билан ҳамкорликда фильм ишлашни режалаштирган ва тақлиф билан "Ўзбекино" Миллий агентлигига муражаат қилган экан. Агентлик раҳбарияти ча-

кириб, шу лойиҳани менга топширишмоқчилигини айтди. Гаплашдим, Керез Зарликова сценарийни тайёрлаган экан, унда ўша олтиминчи йиллар руҳи акс этган. Мен кинони бугунги замонга мослаш керак деб ўйладим ва сценарийни ўзим қайта ёздиган бўлдим. Яна бир томони, мен ўзим ёзган сценарий асосида ишласам, кўнглим тўлмайди.

— Кечирасизу, лекин томошабинларнинг аксарияти фильмда ўша давр акс эттирилмаганидан ҳайрон.

— Бу асарни мендан олдин ҳам уч марта фильм қилинган. Учласида ҳам ўша давр ва даврга доир муаммолар олиб чиқилган. Бунинг тақриблини эп кўрмадим. Асарда кўтарилган гоёлар бугунги кунимизга ҳам тегишли бўлгани учун уни ҳозирги замон воқеалари билан тасвирласам, тўғри бўлади, деб ўйладим. Аслида фильмда доим ҳам ёзувчи асарининг ўзи акс этавермайди. Тушунман, бадиий асар сифатида "Сарвқомат дилбарим" кўтлаб китобхонларнинг қалбини забт этган. Энди улар фильмни бошқача талқинда қабул қилиши осон эмас. Лекин фильмга кино санъати нуктаи назардан баҳо бериш адолатдан бўлади, деб ўйлайман.

Мана, "Махаллада дув-дув гап", "Тўйлар муборак", "Мафтунингман" каби ўнлаб ўлмас миллий фильмларимиз бор-а? Уларга киноасар сифатида қараймиз. Чунки уларнинг бадиий асар сифатида ёзма шакллари тарқалмаган ёки унчалик машур эмас. Биз ишлаган "Сарвқомат дилбарим" фильмга ҳам китобни унутиб, кино сифатида баҳо бериш тўғри бўлади...

— Жараён ҳақида сўзлаётгандингиз...


— Шундай қилиб, январь ойида сценарийни ёзиб тугатдим ва "ДАН" продюсерлик марказига тақдим қилдим. Сценарий тасдиқланди. Кейин Чингиз Айтматов халқро фонди директори, адибнинг ўғли Элдор Айтматовнинг руҳсатини олдик.

Икки халқ — мамлакатдан актёрларни танлашга киришдик. Бу жараён осон бўлмади. Илк тасвирга олиш ишлари Қамчиқ доғидан бошланди.

— Бош ролга нега айнан Адиз Ражабов танланди?

— Танлов пайтида Адиз Ражабов билан бирга яхши актёрларимиздан

Акбархўжа Расулов, Хусан Рашидов, Хусан Жўраев ҳам бор эди. Менинг қарашларимга Адиз Ражабовнинг ижро талқини кўпроқ мос келди.



Қирғизистонлик актриса Мадина Талипбек Асал образида.

Унинг айни кучга тўлган, ҳаётини ва экран тажрибасига эришган пайти. Фильм аввалдаги ва охиридаги Илёс бир-биридан кескин фарқ қилади. Бунинг Адиз ўз ижросида чиқариб бера олди, деб ўйлайман.

— Асал образини гавдалантирган актрисанинг ижроси кинощунослардан тортиб оддий томошабинларга ҳам манзур бўлди. Қирғиз актёрларини танлашда кўпроқ қайси жиҳатларга эътибор қилдингиз?

— Ҳадица ролини ўйнаган Элина Абай қизининг маҳорати анча баланд экан. Аммо бу образни у муваффақиятли гавдалантира олмас эди. Мадина Талипбек нисбатан ёш ва унчалик машур бўлмаганда, унинг сиймосида кўзимга Асал кўринди. Кўпчиликка унинг ижроси маъқул келган экан, демак, танловимиз тўғри бўлибди.

— Қиссада қирғизлар ҳаёти акс этган. Аммо фильмда ўзбекча урф-одатларни ҳам кўрдик...

— Биз қирғиз, ўзбек деган тушунчага кўп урғу бермадик. Қайси-дир жойларида кичик элементлар кўриниб қолади. Энди халқро лойиҳа бўлгандан кейин шундай ўрта

йўл танлаш керак эди. Агар фильмни тўлиқ ўзбеклар ҳаёти асосида ишласак, хато бўларди. Агар эътиборни фақат қирғизларга қаратсак, у тўғри чиқмасди. Қиссанинг ўзи ҳам бир миллат менталитетидан келиб чиқиб эмас, умуман инсон ҳаёти нуктаи назаридан ёзилган-ку!

— Премьерадан сўнг ўзингизни қандай ҳис қияласиз? Фильмнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида ўйлаб кўрдингизми?

— Энг катта ютуғимиз — Халқро лойиҳанинг амалга оширилгани. Мамлакатимизда бошқа давлатлар киноижодкорлари билан ҳамкорликда фильм олинганига ҳам йигирма йилча бўлиб қолган экан.

Режиссёр фильм ишлашда ёлғиз ўзи муваффақиятга эришиши, ўйланган гоёсини чиқара олиши қийин. Масалан, ёзувчи, расом ёки мусиқачининг ижодий машғулотидан фарқ қилади. Яхши томони фильмни тасвирга олиш жараёнида яхши ижодий жамоа шаклланди. Ҳар

ҳолда ҳамкорликдаги меҳнатимиз бесамар кетмади. Аслида баҳони томошабин бергани дуруст.

— Томошабин баҳосига ишонса бўлади? Томошабинларнинг муайян қисми маънавий мавзудаги олди-қочди фильмларга ишқибоз-ку!

— Ҳа, бу томони ҳам бор. Томошабиннинг дидини анча пасайтириб қўйди! Уни кўрсатиш мумкин эмас, бунинг кўрсатиш хато, деб асл фильмларнинг ўрнига экранларни рандаланган, қаҳрамонлари сипсиллик, майда гап-сўзлардан иборат картиналар билан тўлдириб ташлади. Бу — катта фожиамиз. Мен ўйлайманки, мактабда "Санъат асослари" фанини жорий қилиш керак. Томошабинни кино, тасвирий санъат, театр, мусиқа каби санъат асарларини тушуниш, таҳлил қилишга болаликдан ўргатиш керак. Чунки шахснинг диди ва савияси адабиёт қаторида айни санъат турлари орқали шаклланади. Кўпгина ривожланган давлатларда бу тажриба бор. Масалан, Францияда мумтоз ҳисобланган ўз миллий фильмлари дарс давомида мактаб ўқувчиларига кўрсатилади ва таҳлил қилинади. Биз юксак дидли томошабинларни соғиниб яшаймиз.

# «Франция ҳукумати газеталарга молиявий кўмакни кўпайтирмоқда»



## Француз журналисти Регис ЖЕНТЕ билан суҳбат

Фарзона НАБИЕВА

— Жаноб Женте, аввало, ўзингиз ҳақингизда гапириб берсангиз, Франциянинг қайси газеталари билан ҳамкорлик қиласиз? Кўпроқ қайси мавзуларда ёзасиз?

— Ёшим эллида, 2002 йилдан буён Грузия пойтахти Тбилисида Франция матбуоти учун фриланслик қилиб келаман. Шу вақт оралиғида мен Марказий Осиё мамлакатларида, жумладан, Олма-ота ва Бишкекда икки йил яшадим. МДХдаги давлатлар ҳаётини ёритаман. Асосан, Франциянинг «Ле Фигаро» кундалик газетаси учун мақолалар ёзаман, бундан ташқари, мамлакатнинг ётачки халқаро радиоси Radio France Internationale ҳамда бошқа оммавий ахборот воситалари билан ҳам ҳамкорлик қиламан. Аксарият мақолаларимда МДХ мамлакатларида юз бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни ёритаман. Масалан, охириги ёзганларимдан бири Грузиядаги президентлик сайлови ҳақида эди. Марказий Осиёдан ёзган сўнги мақолам Тожикистондаги Роғун гидроэлектр станциясининг расмий очилиши ҳақида бўлди. Аввалроқ, яъни, март ойида Тошкентда ҳам бўлдим ва Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича ўтказилган конференцияни ёритдим. Шунингдек, Россия, Касбий кўрфази атрофидаги ҳудудлар ва Украинадаги газ ва бензин муаммолари каби мавзуларни ҳам ёритдим.

— Айни вақтда Ўзбекистонда босма нашрларнинг иқтисодий аҳоли ва обуна масаласи долзарб мавзулардан бирига айланган. Францияда ҳам шу каби муаммолар мавжудми?

— Ҳа, албатта. Францияда оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий ҳолати Ўзбекистондаги вазиятдан шубҳасиз фарқ қилади, ammo муаммо деярли ўхшаш. Франциядаги матбуот халигача «интернет инқилоби»дан кейин юз берган ўзгаришларга мослаша олмаяпти, яъни интернетдан текинга топшиш мумкин бўлган ахборотни газеталар қандай қилиб одамларга сотиш йўлини топа олмаяпти. Албатта, мен бу ерда босма матбуот ҳақида гапиряман. Масалан, телеканалларда-

ги вазият бутунлай бошқача. Яна бир нарсани таъкидлашни истардимки, ҳозирги босма нашрлардаги инқирознинг асл сабаби фақат интернет билан боғлиқ эмас, балки 2008 йилда ривожланган давлатларда бошланган глобал молиявий ва иқтисодий инқироз оқибати. Яна бир нарсани таъкидлашни истардимки, ҳозирги босма нашрларнинг оммабоплиги, реклама ва эълон берувчилар учун жозибадорлиги камайиб, иқтисодий аҳоли кескин ёмонлашди. Буни, сўнги икки йил ичида босма нашрларнинг даромади олти етти фоизгача тушганидан ҳам билиш мумкин.

Францияда ҳам газеталар фақат обуна ҳисобига яшаб қола олмайди албатта. Реклама берувчиларнинг ҳиссаси муҳим. Мисол учун «Ле Монде» газетасининг 25 фоиз бюджетини реклама ташкил қилади. «Ле Фигаро» газетасида эса бу рақам 50 фоиздир. Ушбу кўрсаткич турли нашрларда уларнинг йўналишига қараб турличадир. Айрим кундалик энг йирик газеталар, масалан мен ишлайдиган «Ле Фигаро» баъзан иқтисодий қийин аҳволда қолади, ammo кўпинча қийинчиликларни енгиб ўтади. Агар газеталарнинг сотилиши статистикаси ҳақида гапирсак, «Ле Фигаро» ва «Ле Монде» газеталарининг сотилишида 0,72 ва 1,75 фоиз ўсиш кузатилади. Бироқ тарихан Парижнинг энг йирик унча газетасидан бири ҳисобланган «Либереин» тобора таназулга учрамоқда. Унинг сотилиши 2017 йилга нисбатан бу йил 8,16 фоиз пасайган. Афсонавий спорт нашри «Эл Экуип»нинг сотилиши 4,3 фоиз ўсган.

Бироқ Франциянинг сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этгани билан машҳур ҳафталик журналлар сотуви тобора камаймоқда. Масалан, «Эл Экспресс»нинг сотилиши 13 фоиз, «Ле Поинт» 7,5 фоиз ҳамда «Эл Обс» 19 фоиз камайган. Муайян бир соҳа, масалан, маданият, санъат, спорт ва эрмак-хоббилар бўйича ёки турли ҳаётий-амалий маслаҳатлар берувчи журналлар, шунингдек, маҳаллий рўномалар ҳам халигача яхши натижаларга эришиб келмоқда.

— Франциядаги аксарият газеталар хусусий. Тўғрими?

— Мамлакатимиздаги барча газеталар хусусий, лекин улар

хукумат ёрдамидан фойдаланади. Хукуматнинг бу ёрдами 1796 йилдан (Франция инқилобидан кейин) бошланган. Оммавий ахборот воситаларида кўпфирлилик муҳитини юзага келтириш учун хусусий газеталарга ёрдам махсус имтиёзли почта тарифлари жорий этиш орқали ҳал қилинган. Почта хукумат ташкилоти бўлгани учун матбуотга қонуна имтиёзли тариф белгилаган ва бу ҳозиргача амал қилади. Бундан ташқари, ёрдамнинг бошқача турлари ҳам мавжуд, масалан, солиқ ва ижтимоий имтиёзлар тақдим этиш, баъзан бевосита, баъзан билвосита кўмак кўрсатиш каби.

Интернет инқилоби туфайли инқирозга юз тутган босма матбуотнинг оғир вазиятдан чиқиб кетиши учун Франция хукумати газеталарнинг сиёсий қарашларидан қатъи назар уларнинг барчасига кўмак беришни кўпайтирмоқда. 2017 йили хукумат босма матбуотни қўллаш учун 580 миллион евро ажратди, лекин яна бошқа ёрдамларни ҳам ҳисобга олганда, давлатнинг жами молиявий кўмаги 1,8 миллиард евро ташкил қилди.

— Ушбу ёрдамларга қарамай бугунги кунда аксар аҳоли онлайн ўқишни афзал кўраётгани газеталарнинг янада қийин аҳволга солиб қўймайдими?

— Давлат кўмаги муҳим, албатта. Лекин босма нашрларнинг ўзлари ҳам қараб тургани йўқ. Улар кўпинча янги журналлар чоп этиш, яқинда сонларини чиқариш каби муштарийларга янги маҳсулотлар тақдир этишти ва айни пайтда нашрнинг тарихий машҳур номи фойда бермай қолганда, кўпроқ даромад келтирадиган бошқа журналларни сотиб олмоқда. Бундан ташқари, улар газеталарнинг интернет саҳифаларини ҳам яратмоқда ҳамда бир пайтда босма нашр ва вебсаҳифа учун ёзадиган журналистларни жалб қилмоқда.

Мисол учун, «Ле Монде» ўзининг тарихан жиддий ва сифатли газета деган обрўсига содиқ қолган ҳолда фаолият кўрсатмоқда. 2010 йили газетани 310 нафар журналист фаолият юритган бўлса, 2017 йилга келиб уларнинг сони 430 нафарга

ИНТЕРНЕТ ИНҚИЛОБИ  
ТУФАЙЛИ ИНҚИРОЗГА  
ЮЗ ТУТГАН БОСМА  
МАТБУОТНИНГ ОҒИР  
ВАЗИЯТДАН ЧИҚИБ КЕТИШИ  
УЧУН ФРАНЦИЯ ХУКУМАТИ  
ГАЗЕТАЛАРНИНГ  
СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИДАН  
ҚАТЪИ НАЗАР УЛАРНИНГ  
БАРЧАСИГА КЎМАК БЕРИШНИ  
КЎПАЙТИРМОҚДА.  
2017 ЙИЛИ ХУКУМАТ БОСМА  
МАТБУОТНИ ҚЎЛЛАШ УЧУН  
580 МИЛЛИОН ЕВРО  
АЖРАТДИ, ЛЕКИН ЯНА  
БОШҚА ЁРДАМЛАРНИ ҲАМ  
ҲИСОБГА ОЛГАНДА,  
ДАВЛАТНИНГ ЖАМИ  
МОЛИЯВИЙ КЎМАГИ  
1,8 МИЛЛАРД ЕВРОНИ  
ТАШКИЛ ҚИЛДИ.

етди. Мақсад ўқувчиларни онлайн мақолаларни пул тўлаб ўқишга жалб қилишдир. Уларнинг маркетинг бўлими жуда кучли, турли кўринишдаги обуналар орқали ўқувчиларни ўзига тортти олимоқда. 2017 йили «Ле Монде» онлайн обуначилар сони 44 фоизга ошириши туфайли газетанинг ўқувчилари сони кескин ошди. Бугунги кунда «Ле Монде»нинг онлайн обуначилари сони газетанинг босма нашрдан кўра кўпроқдир. Бундан ташқари, «Ле Монде» газетаси учун пул топшишни бошқача стратегиясини ҳам қўллаётди. Масалан, долзарб мавзуларда анжуманлар уюштириш ёки Африкага бағишланган интернет телеканали очилди. Чунки, «Қора китъа» француз матбуоти учун ҳамisha йирик бозор бўлиб келган.

— Бугун ахборот технологиялари жадал ривожланган бир пайтда французлар янгиликларни ўқиш учун кўпроқ газетани олишни маъқул кўраётганими ёки смартфонни титкилаётганими?

— Ҳа, замон ўзгармоқда. Бироқ ёши катта авлод вакиллари халигача газета хидини яхши кўради ва кундалик газетани сотиб олиш учун матбуот дўконларига боришни қанда қилмади. Албатта, ёш авлодда «газета хиди» деган тушунча йўқ ва улар янгилик ўқиш учун телефон ёки компьютерни титкилайди. Ўзимга келсак, ўн йил аввал онлайн тарзда ўқишни хуш кўрмас эдим, лекин ҳозир газеталарнинг қоғоз нусхасини деярли сотиб олмайман.

— Сизнинг фикрингизча, яқин йилларда босма нашрларнинг тақдирини нима бўлади?

— Ўйлаётганим, босма нашрларнинг келажаги тўла онлайнга ўтиш билан боғлиқ. Фикримча, келажақда босма нашрлар умуман қолмайди. Лекин бунга фоҳиа деб қарамастик керак. Ўрмонларни ёппасига кесиб, қоғоз қилишга зарурат қолмайди ва атроф-муҳитга зарар қамаяди. Бироқ, умид қиламанки, босма нашрларнинг руҳи, яъники, жиддий мақолалар, журналист текшируви, шарҳлар, воқеалар содир бўлаётган жойдан репортажлар тайёрлаш янада ривожланади.

## Танлов

Бугун коррупция нима, деган саволга бошланғич синф ўқувчиси ҳам жавоб бера олади. Чунки юртимизда ушбу иллатга қарши муросасиз кураш бошланган. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонунийликни мустақамлашга қаратилган тадбирлар кенг кўламли амалга оширилмоқда. Бунда янгича инновацион ёндашувлардан фойдаланилаётгани алоҳида аҳамиятга молик.

## Кўзингни оч, коррупционер!

Жорий йилнинг 1 октябридан 1 декабригача Адлия вазирлиги томонидан бир қатор халқаро ташкилотларнинг юртимиздаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда илк бор «Биз коррупцияга қаршимиз!» мегатанлови ташкил этилди.

Танлов тўрт номинация — «Энг яхши журналистик материал», «Энг яхши блогпост», «Энг яхши ижтимоий ролик», «Энг яхши иншо» йўналишида ўтказилди. Мегатанлов доирасида мактаб, коллеж ва олий ўқув юртли талабалари учун «Коррупция — таракқиёт қушандаси» мавзусидаги иншолар танловида 22 миңдан ортиқ ёш иштирок этди.

Дарҳақиқат, коррупцияга қарши курашда мамлакат аҳолисининг 60 фоизини ташкил қилган ёшларнинг фикрлари, фалоллиги муҳим аҳамият касб этади.

— Қувонарлиси, ёшларимизда ушбу иллатга қарши ўзига хос тушунча, муросасизлик бор, — деди Наманган вилояти Қуст туманидаги 3-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувачиси Дилором Эргашева. — Танловнинг туман, вилоят босқичларидан ўтиб, республикага йўлланма олганимида, бундан натижани кутмаган эдик. Вазирлик вакили телефон қилиб, ўқувчингиз Машхура Юсуфжонова 1-ўринни кўлга киритди деса, адолат борлигига ишондик.

Ривожланган мамлакатларнинг ютуғи, кучи нимада? Фуқароларнинг қонуналарга ҳурмати, ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўла англаганида эмасми? Давлатнинг миллий бойликлари ҳар қанча

Танловнинг «Энг яхши журналистик материал учун» номинациясида «Hurriyat» газетасининг катта муҳбири Холда ФАЙЗИЕВА «Қуш фалсафаси. Ҳатто гўрков ҳам таъмагир» таҳлилий мақоласи учун иккинчи ўринни олди. Табриқлаймиз!

## Фаол тадбиркор — ижодкор нигоҳида

Пойтахтимиздаги Ёшлар марказида «Фаол тадбиркор — ижодкор нигоҳида» республика ижодий танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши иқроия қўмитаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда Фаол тадбиркорлик, инновацион соҳалар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили муносабати билан ташкил этилган танловда ишбилармон замонамиз қаҳрамонлари фаолияти ҳақида мақолалар, очерк ва китоблар ёзган фаол журналист, ёзувчилар ташкилотлар томонидан муносиб тақдирланди.

Тадбирда ЎзЛиДеп сиёсий кенгаши иқроия қўмитаси раиси Актам Хаитов, Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саидов халқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилаётган илғор тадбиркор, фермерлар фаолиятини ёритиш, илғор тадбирасини оммалаштиришга қалам аҳли муҳим ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлади. Танловга барча номинация ва

кўп бўлмасин, ушбу омилар муҳим роль ўйнайди.

Шу боис Адлия вазирлиги ёшларга қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини етказиш, уларда Конституция ва қонуналарга ҳурмат руҳини шакллантириш ҳамда қонунчиликдаги янгиликлар билан доимий танишиб борадиган билимдон фуқароларни рағбатлантириш мақсадида яна бир танлов ташкил этди. Малайзия давлатига икки кишилик йўлланмани кўлга киритиш имконини берувчи мазкур танловда 15 миң 368 нафар иштирокчилар қатнашгани унинг фуқаролар орасида катта қизиқиш билан қутиб олинганидан далолатдир.

Дастлаб «Ҳуқуқий ахборот» телеграм каналида кундалик ҳаётимизда тез-тез учраб турадиган ҳолатлар юзасидан бир ой давомида саволлар бериб борилди. Иккинчи босқичда иштирокчилар онлайн тест саволларига жавоб бериш орқали синовдан ўтказилди. Бунда ҳар бир қатнашчига тегишли логин ва парол тақдим этилди. Жараён автоматик тизим орқали баҳолаб берилди. Бу орқали нафақат илғор инновацион ечимларга таянилади, балки танловнинг шаффоф ва адолатли ўтиши таъминланди. Яна бир муҳим томони, унда олий юридик маълумотга эга мутахассисларнинг қатнашиши таъкидлангани бўлди.

Танловнинг мутлақ ғолиби Самарқанд вилоятидаги «Жомбой» газетаси муҳбири Орифжон Одилов Малайзияга икки кишилик йўлланмани кўлга киритди.

Танловнинг «Энг яхши журналистик материал учун» номинациясида «Hurriyat» газетасининг катта муҳбири Холда ФАЙЗИЕВА «Қуш фалсафаси. Ҳатто гўрков ҳам таъмагир» таҳлилий мақоласи учун иккинчи ўринни олди. Табриқлаймиз!

йўналишлар бўйича уч юзга яқин ижодий иш тушганди.

«Энг яхши бадиий асар» йўналишида ёзувчи Луқмон Бўрихон «Бегоналар юрмас бу ерда» романи учун биринчи ўринга сазовор бўлди. Иккинчи ўринга «Юрагида анор гуллаган аёл» достони учун шоира Зулфия Мўминова, учинчи ўринга «Бир томчи ёш» китоби муаллифи Қўчқор Норқобил муносиб топилди.

Танловнинг «Энг яхши публицистик асар» йўналишида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА ижодий жамоаси томонидан тайёрланган «Билурнинг гардиши ёхуд замондошларимиз сийратига чизгилар» китоби биринчи ўринга лойиқ топилди. Иккинчи ўринни «Сайроблик баракали йигит» ҳужжатли қиссаси учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Қулман Очил кўлга киритган бўлса, учинчи ўрин замонавий тадбиркор образини яратишга бағишланган туркум публицистик мақолалари учун Озод Раҳабовга насиб этди.

Тадбирда рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам топширилди. (ЎЗА)

## Вашингтонда катта навбат: Паловга

Ойдин САЪДУЛЛАЕВА

журналист

Вашингтондаги Халқаро савдо марказида хорижий давлатларнинг АҚШда фаолият юритаётган элчихоналари ўз миллий санъати ва маданияти намуналарини намойиш этди. Минглаб меҳмонлар таширф буюрган тадбирда Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги элчихонаси ҳам мусиқа ва рақс санъатимиз, хунармандчилик буюмларимизни меҳмонлар эътиборига ҳавола этиб, уларни миллий таомларимиз билан сийлади.

«Тадбирда намойиш этилган ўзбек санъати ва маданияти намуналари менда катта қизиқиш уйғотди, — дейди Вашингтондаги «Интерконтиненталь» меҳмон-

хонаси савдо бўлими мудирини Женифер Чан. — Айниқса, ўзбек миллий таомлари жуда мазали экан. Бугунги тадбирда миллий таомларингизга энг узун навбат

йиғилганидан ҳам тахмин қилиш мумкинки, улар нафақат менга, балки барча меҳмонларга манзур бўлган. Келажақда Ўзбекистонга албатта бораман».

«Егочга ўйиб ишланган мана бу нақшинкор қутчалар, лавҳ айниқса менга жуда ёқди, — дейди ўзини Хелен Смит деб таништирган меҳмонлардан бири. — Жуда нозик дид билан ясалган бу хунармандчилик буюмларини дунёга келтириш учун қанчадан-қанча машаққатли меҳнат сарфланганини

тасаввур қилиш қийин эмас. Хунармандларингизнинг санъати-гасанно айтмасдан илож йўқ».

«Ўзбекистон зардуштийлик давридан қолган тарихий-археологик объектларга жуда бойлигини биламан, — дейди Карси Шрефф. — Бу менда катта қизиқиш уйғотган. Сабаби илгари Ўзбекистонга саёҳат қилиб, кўплаб қадимий ёдгорликларингизни хайратланиб томоша қилганман. Самарқанд, Бухоро, Хива, Нукус, Термиз афсонавий

шаҳарлардир. Келажақда уларни яна кўриш истагим бор».

«Мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонаси мазкур халқаро фестивал ташкил этилганидан бери мунтазам қатнашиб келади, — дейди Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги элчихонаси маданий ишлар бўйича атташеси Аҳор Бурхон. — Бундай тадбирлар бизга миллий санъат ва маданиятимизни жаҳон аҳлига кенг намойиш этиш, юртимизга сайёҳларни янада кўпроқ жалб этиш имконини беради».

Бугун — Ҳамид Олимжон тугилган кун

Болалигимда акамга қўшилиб чамаси олти ойлар мактабга борганим эсимда. Шунда ўқитувчи энди ҳарф ўрганаётган болакайларга эртагу дostonлар, шеър у маталлар ўқиб берарди. "Ойгул билан Бахтиёр" эртақ-достони барча ўқувчиларнинг дилига ҳайрату ҳаяжон бағишлагани ёдимдан чиқмайди.

# “Унинг бойликлари умрларга тенг”

## Шоирнинг ҳамроҳи хаёл, ҳаёти хаёл, қисмати хаёл.

Ғайрат МАЖИД  
шоир

Уша кезлари бу гўзал дoston муаллифи ҳақида ҳеч нима билмаганман. Тўғри-да, бу ёшда ёд олган шеърингу эшитган дoston, эртагинги ким ёзгани билан ишинг бўлмайди. Аммо битта ҳақиқат бор, катта ижодкорлар катта ва гўзал асарлар ёзишди ва уларнинг ёзганлари асло ёш танламайди. Барчанинг қалбу шуурига ўзининг покиза неъматини — камолот сари интилиш орзусини бераверади. Сўз юритмоқчи бўлганим Ҳамид Олимжон асарлари ана шундай қувватга эга бебаҳо ганждир.

Бу ҳассос шоирнинг кейинчалик шеърларини, дostonларини ёд олдим. Бугун уларни фарзандларимга айтиб бермоқдаман. Учрашувларга борганимда ҳам Ҳамид Олимжоннинг сатрларидан мисоллар келтираман. Ундан олган улгуларимни сўзлаб бераман. Ва бу атоқли ижодкорнинг ўзбек адабиёти ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида ўйласам, ҳайратим олам-жаҳон бўлиб кетади. Уттиз беш ёшда ёруғ оламни тарк этиб кетган элдан шундай улуг мерос қолиши ҳазил гап эмас, албатта!

Ҳамид Олимжон табиат манзараларини тасвирлашдаги маҳорати, йил фасллари, дарёлар, юрт гўзаллигидан ҳайратланиш туйғуларини ифодалашдаги бетакрор усули билан бошқа шоирлардан ажралиб туради. Ниҳоятда тиниқ ва ёрқин образлар ўқувчини оҳанрабодек тортади. "Ташна кўнгилдай чанкаган барглр..." деб ёзади "Зарафшон кўнида" шеърда. Эйтибор беринг, борлиқ ва инсон туйғуси, табиат ва кўнги, руҳий дунё ва моддий дунё муқофаси қилинмоқда. Барглрнинг кўринишини, ҳолатини ташна кўнгила ҳўшатмоқда. Сўлгин барглр, қуриётган барглр деган иборанинг ўрнига шоир кўчма маъносини келтирмоқда ва гўзал образ яратмоқда.

Зарафшон номи билан аталадиган юрт, Зарафшон номи билан аталадиган дарёга бўлган меҳри ва муҳаббатини ҳароратли сатрлар ила изҳор этади. Туйғуларнинг самимилиги ва эҳтироси китобхонни ҳаяжонлантиради. Лирик қаҳрамон юртини,

дарёни ёрни севгандек ардоқлайди. Шоир гўё табиатга эмас, инсонга мурожаат қилгандек бўлади. Мана шу ҳодиса шоир шеърятининг юксак бадииятини намоён этади. Кўйидаги сатрларда лирик қаҳрамон кизга эмас, дарёга қарата шундай дейди:

*Кўп узоқ йўлар, қувладим... етдим,  
Мен сенга оғиш қўргали келдим.  
Мен сени кўрдим, севинча ботдим,  
Шакар лаблардан бусалар олдим,  
Бўсалар олдим.*

Бадиий сўз нафосати, гўзал истиоралар ўқувчига завоқ бағишлайди. Юртнинг гўзаллигини аёлнинг ҳусни жамоли ва тароватига қиёслайди. Эҳтирос билан ўз муҳаббатини изҳор этади. Ахир, юрт деганда семимли ёр ҳам тушунилади-ку. Фақат ўз юртини севган инсонгина ҳақиқий муҳаббатни чин юракдан ҳис этади. Ахир, жондан ҳам азиз-ку Ватан. Ватан учун жон фидо қилиш эр йигит учун шон-шараф-ку! "Баҳорни соғинганда" шеърда Ҳамид Олимжон кўҳна туркий шеърят аъёнларини давом эттирганини кўраимиз. Мавсум кўшиқларининг оҳанглари янгича жило билан товланади. Қаҳратон аёз забтига олмақда, бўрон қўтирмақда, деган сўзлашув нутқидан, баёнчиликдан қочиб, шоир мусаввирана манзараларни сўз билан чизади. "Қиш чолар чоғусин..." деган биргина сатрда кишининг ҳамма манзаралари ёрқин жонланади.

Кирчиллаган қишдан безган шоир тасавурида баҳорни яратади ва унга шундай мурожаат этади.

*Шунда чўпон каби кезиб тоғлар,  
Мен сени бир ўпай, кучоқлай-да...  
Сув — булоқ бўйларинда чарчай-да,  
Сўнгера кўнгида эркалаб ухлай.*

Табиат кўйида кўклам мўъжизаларидан завқланиш тинч, осойишта, фаровон ҳаётнинг тимсолидир. Озод ва эмин-эркин сайр этиш, чўпондек тоғларни қадамма-қадам кезиш — бахту саодатдан нишона. Шеърнинг бетакрорлиги баҳорни жонлантиришда, келинчақдек гўзал фасл-



ни одам каби тасаввур этишдадир.

Шоир баҳорга "Мен сени бир ўпай, бир кучоқлай-да" дейди. Боладек бегубор ва нафис туйғуларини изҳор этади. Фақат шоиргина юрт гўзаллиги, табиат чиройига ўз туйғусини ана шундай изҳор этиши мумкин.

"Озар қизи" шеърда шундай сатрлар бор:

*Тингладим ёқимли куйларини,  
Ундим мен турмушнинг юзидан.*

Ҳаётсеварликни бундай авж пардаларда қўйлаш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Шунинг учун Ҳамид Олимжонни замонамизнинг энг истеъдодли шоирлари ўз устози, деб билишган. Шоирнинг бадиий маҳоратидан сабоқ олишган, шоирнинг шеърларидан сўз ранглари билан қандай манзаралар чизиш сирларини ўрганишган. Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Йўлдош Эшбек... Бугун ўз маҳоратини намоён этаётган навиқрон шоирлар ҳам Ҳамид Олимжон мактабининг ўқувчиларидир.

Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов устоз Ҳамид Олимжон маҳоратини шундай эътироф этади:

"Ҳамид Олимжон, авваламбор, лирик шоир. Биз кўпинча лирика деганда мазмунига кўра муҳаббат ёки манзарага оид шеърларни тушуниб юраимиз. Холбуки, қуруқ баёнчиликдан иборат "лирика"лар ҳам йўқ эмас. Ҳақиқий лирик асарда кўз ҳам, қулоқ ҳам илғай олмайдиган, фақат руҳнинг торларигина сеза оладиган титратмалар мавжуд бўлади. Гўзал ва теран лирик ҳолатни энг буюқ рассомларнинг рангтасвирларида ҳам учратамиз. Бундай асарга йиллаб термулсангиз ҳам тўймайсиз, у сининг ҳолатингизни бутунлай бошқа ўзанга буриб юборишга қодир.

Ўзбек шеърятда лириканинг энг гўзал ва нафис намуналари, албатта, бор. Лекин Ҳамид Олимжон лирикаси бошқа бирота шоирнинг лирикасига асло ўхшамайди. Бу лирика мармар каби тиниқ, лекин совуқ эмас. Унда тасвир ҳам, оҳанг ҳам бўлақчадир: "Шивирлай-

ди бетиним дарё, Шигирлайди ваҳм тўла жар", "Холбуки, тун — бунда одат-да, Бутун борлиқ ухлардай сокин", "Ҳаёлимда бўлдинг уззу-қун, Сени излаб қирғоққа бордим. Оч тўлқинлар пишқирган тунда Топиб бер, деб ойга ёлвордим".

Ушбу сеҳрли мисраларни ойнинг ним қоронғусида сокин шивирлаётган сой бўйларидан жимгина такрорлаш нақадар ёқимли... Демак, лирика руҳнинг суратидир. Ҳамид Олимжоннинг шеърини мисраларни сайқаллаш устида баҳодирона тер тўкиш маҳорати ҳам ҳали неча-неча авлод шоирларга ибрат бўлиб қолгусидир".

Шоирнинг "Қиш" сарлавҳали шеъри лириканинг энг гўзал намуналаридан. Агар бошловчи шоирга шеърятнинг китобларда ёзилмаган сирларини ўргатмоқчи бўлсангиз, Ҳамид Олимжоннинг мана шу шеъри энг ёрқин ва энг намунали мисол бўлади. Шеърда воқелик баён қилинмайди, бадиий сўз билан тиниқ манзаралар чизилади. Мана, киш оқшоми оқ денгизга ўхшатилади. Одатда денгиз ҳамиша шувуллаб мавжланиб туради. Бу "денгиз" эса тўлқинсиз ухлайди. Ҳамма томон оппоқ қор билан қопланган, деган гапни айтмасдан, шоир қуйдагича кўрсатиб бермоқда:

*Оқшом.. Борлиқ оқ денгиз  
Тўлқинсиз ухлар...  
Юлдуз гўё олаш қаз,  
Жимакли тинлар...*

Табиатдаги нарсалар ана одамга ўхшатилади. Юлдуз — олтин қиз... У жимликни тингламоқда... Нақадар ажойиб тасаввур. Нақадар ажойиб сурат. Ана шу манзарани мусавир мўйқаламда тасвирласа, дурдона рангтасвир асари пайдо бўларди. Лекин бу бадиий сўз дурдонасини Ҳамид Олимжон қалам билан яратиб қўйди. Мана, завқланиб томоша қилинг:

*Паст-паст уйлар, деворлар  
Оқ кўлак кийган.  
"Муз тоғи"дек у томлар  
Тинчликка чўмган.*

Уйлар, томлар айсбергларга — муз тоғларга ўхшатилади. Кишлоқдаги уйларнинг ҳаммаси қор билан қопланган, томларнинг усти музлаб ялтираб қолган. Оқшом ҳаммаёқ сокин, бутун борлиқ қаҳратонда музлаб қолгандек гўё. Одамлар, турли жониворларнинг қорда юргани аниқ билиниб туради:

*Тамга каби таниқли  
Ҳар ерда бир из...*

Лекин шундай аёзли тунда музлаб қолган табиатга бир овоз жон бағишлайди. Бешиқдаги боласини аллааб ухлатаётган онанинг овози табиатни батамом музлаб қолишдан омон сақлайди. Бола образида келажак авлод, инсон ҳаётининг давомчилари назарда тутилган.

*"Муз тоғ"лардан чиқади  
Бир ала сози?  
Еш гўдакни юпатган  
Она овози.*

Халқимизнинг улуг бахшиси Фозил Йўлдошга бағишланган "Куйчининг хаёли" шеърда яратилган образда Ҳамид Олимжоннинг шоирлик маҳорати ҳам тасвирланганини аниқлаймиз.

*Бу хаёл сўнгисдир, осмон каби кенг,  
Бу хаёл тугамас ҳеч ҳали-бери.  
Унинг бойликлари умрларга тенг,  
Ҳамон белгисиздир бошланган ери.*

Шоирнинг ҳамроҳи хаёл, ҳаёти хаёл, қисмати хаёл. Ижодкор хаёлини чизади. Ҳаёлининг парвози буюқ кашфиётларни яратади. Ҳаёлининг қанотидан тутиб, уни сўз билан оқ қоғозга абадий муҳрлаган шоирнинг асарлари умрбўқий яшайди. Ҳамид Олимжон Ана Ватанимиз Ўзбекистон тимсолига сўз билан ҳайкал қўйган шоирлардандир. Йиллар ўтди, авлодлар алмашди, лекин бу шеър ўз гўзаллиги билан ўқувчиларни ўзига ром этаверади.

*Водийларни яёв кезганда  
Бир ажиб ҳис бор эди менда.  
Бунда булбул китоб ўқийди,  
Бунда қуртлар ипак тўқийди,  
Бунда ари келатди бол,  
Бунда қушлар топади иқбола,  
Бунда қорнинг тағарига киш  
Баҳор учун сўйлайди олқиш.*

Келгуси йили 110 йиллиги нишонланадиган улуг шоир Ҳамид Олимжон гоё тахликали, таҳдидларга тўла мурақаб даврда қалам тебратди. Миллат ва халқ фидойиси сифатида халқ оғзаки ижоди намуналарини элнинг атоқли бахшиларидан ёзиб олиш ишларига бош-қош бўлди. Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилган пайтларда Фозил шоир ва Исломо шоирларга муносиб шарт-шароит яратиб берди. Халқ оғзаки ижоди билимдонлари кўмаги билан бахшиларнинг термаю дostonларини ёзиб олиб, нашр эттирди. Бу хайрли ишлар шоир ижодида ҳам муҳим из қолдиргани сир эмас.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида юртимизда миллий адабиётимиз ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай гамхўрлик самарасида Жиззахда Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактабларининг очилиши улкан воқеадир. Шу маънода, шоирнинг бой бадиий ва маънавий мероси кўнгиларга ажиб туйғуларни армуғон этаверади.

### ► Айбнома

Гдлян билан Иванов нима сабабдан шундай қилишди, десангиз, улар шунчаки жиноятчи шахслар билан тил бириктириб, уларни судга тортмасликни ваъда қилишган, эвазига бошқа шахсларга нисбатан гувоҳлик беришлари кифоя эди. Уларнинг берган гувоҳликлари нечоғли тўғрилиги билан ҳеч кимнинг иши бўлмаган. Гдлян сермашақат ишдан, ҳўжалик фаолиятини, савдодаги аҳволни атрофлича ўрганишдан шунчаки воз кечди. У шуғулланганида эди, ўзи учун кўп нарсаларни кашф этарди. Ўз вақтида Давлат хавфсизлик қўмитаси терговчилари Бухоро шахар саноат моллари савдоси ташкилотда тафтиш ўтказишни белгиллаган эдилар. 1983 йил 12 декабрда 1610 варақдан иборат акт Гдлянга юборилади. Тафтиш давомида бир неча юз минг сўмлик камомад, 87 минг сўмлик ортиқча қимматбахў нарсалар борлиги ва 200 минг сўмликдан зиёд товар ҳеч бир асоссиз қайта баҳолангани аниқланади. Аммо, тафтиш актини Гдлян ишга тиркамайди, аксинча уни гумдон қилади.

Виктор ИЛЮХИН

юридик фанлар доктори,  
профессор

# Гдляннинг миллионлари: афсонами, ҳақиқат?

## Мафиянинг чапак чалиши ва Гдлян соғлиғи учун қадаҳ кўтаришигина қолганди

Бухорода савдонинг аҳволи ўша вақтда прокуратуранинг гоётада Охири. Боши 42-49-сонларда.

қиқиқтириб қолганлиги бежиз эмасди. Ҳисобдан ташқари, яширин ишлаб чиқариш цехларида тайёрланган махсулотнинг савдо

орқали ўтиши давлатга юз миллионлаб зарар етказмоқда эди. Бунинг пайини киркиш пайти келганди. Аммо, Гдлян билан Иванов уларнинг янада узокроқ ашашига қулай шароит яратиб беришди.

Биз юқорида номини тилга олган терговчи Калинин қўйидагиларни гапириб берди: "Ўғриликлар билан бизни гуруҳимиз шуғулланмасди. Гдлян Москвадан келиб, оператив кенгашларда ишни тезроқ тугаллашимизни биздан талаб қиларди. Назаримда, савдо билан алоҳида шуғулланиш, бунинг учун гуруҳ ташкил қилиш, бошқа раҳбар тайинлаш ва савдо ишини чуқурроқ текшириш керак эди. Чунки, у сердаромад жой. Республика прокуратураси Қудратовнинг ишини ўзларига топширишни сўради, аммо Гдлян бунга рози бўлмади".

Гдлян билан Иванов ўзлари йўл қўйган қонунбузарликларни оқлаб кўрсатиб, иккинчи даражали, кичик жиноятчиларни жинойий жавобгарликдан озод қилганликлари ҳақида фикр-мулоҳаза юритишга тушадилар. Уларнинг бундай мулоҳазалари ишнинг ҳақиқий аҳволдан беҳабар кишиларга қаратилган бўлиб, уларни шунчаки алдашдан иборат эди. Бир қарашда ашаддий талончилар, ўғриларни, порахўрларни суддан олиб қолган бўлсалар, бошқа ҳолда гўё қимматбахў буюмларни сақлаётган қилиб кўрсатиб бегуноҳ одамларни, кўп болали оналарни, қартайиб қолган чолларни, ҳомилалдор аёлларни турмага тикдилар, айби бўлмаган бу одамларни бир неча кунлаб, ойлаб ва йиллаб ҳибсда сақлашди. Демак, гўё Гдлян билан Иванов мафия ҳақиқатан ҳам авж олган жойларда уни пайқамасдилар. Терговчи Д. Олореско сўроқ қилинганда тузилган протоколдан парча келтираман:

"Аниқ санаси эсимда йўқ, аммо чамаси 1987 йил эди, биз терговчилардан олганмидик ёки бирон кимса юборганмидик, ҳозир эсимда йўқ. Аммо, Гдлян билан Иванов уларнинг янада узокроқ ашашига қулай шароит яратиб беришди. Биз юқорида номини тилга олган терговчи Калинин қўйидагиларни гапириб берди: "Ўғриликлар билан бизни гуруҳимиз шуғулланмасди. Гдлян Москвадан келиб, оператив кенгашларда ишни тезроқ тугаллашимизни биздан талаб қиларди. Назаримда, савдо билан алоҳида шуғулланиш, бунинг учун гуруҳ ташкил қилиш, бошқа раҳбар тайинлаш ва савдо ишини чуқурроқ текшириш керак эди. Чунки, у сердаромад жой. Республика прокуратураси Қудратовнинг ишини ўзларига топширишни сўради, аммо Гдлян бунга рози бўлмади".

Д. Олореско ҳақ эди. Камомад жуда катта эди. Тафтиш акти бўлган, унга кўпдан-кўп ҳужжатлар тиркалган. Гдлян терговчиларни текшириш ишларини бошлаганлар, бирлашмадаги порахўрликлар ҳақида гувоҳликлар олинадилар. Аммо, орадан кўп вақт ўтмай номаълум сабабларга кўра, ишни "ёпти-ёпти" қиладилар, камомад сабаблари аниқланмай қолади. Ишга тиркалган кўпгина бухгалтерия ҳужжатлари йўқолади. Уларни биз ҳам тополмадик. Шунинг натижасида давлатга етказилган зарарни текшириб, ишни ниҳоясига етказиш имкони бўлмади.

Нон махсулотлари бирлашмаси бўйича ишни ёпиш сабаблари биз учун қоронғу бўлиб, уни чуқур текширмасдан туриб бир нима дейиш қийин эди.

Биз Гдлян гуруҳидаги Бухоро участкасида ишлаган деярли ҳамма терговчиларни қайта сўроқ қилиб чиқдик. Улардан кўплари тўғрисида ишга қўй қилишди: "Гдлян аниқланган ўғриликлар бўйича текширув олиб боришни таъқиқлади, давлат, жамоат мулкни талон-тарож қилиш бўйича материалларни алоҳида ажратиб олиб, текширишга розилик бермади".

Биз бир мунча вақт участкага бошчилик қилган терговчи М. Раҳмоновдан олган гувоҳлик айтиборга лойиқ. Унинг айтишича, 1984 йил-

даёқ улар Қудратовнинг Тошкент шахридаги савдо базалари билан алоҳида боғланлиги, у ерда пора эвазига катта ҳажмда камёб молларни олиб туриши ҳақида расмий маълумотларга эга бўлишган. Бу ортиқча моллар бўлиб, яширин усулда ишлаб чиқарилган. Тергов материаллари бошдан-охир Гдлянга маълум қилиб турилган, аммо у бу хусусда ҳеч қандай қарор қабул қилмаган. Бунга қўшимча қилиб шуни айтмоқчиманки, гдлянчиларнинг тергов материалларида кавказлик одамлар, шу жумладан, арманлар тез-тез кўриниб қоларди. Аммо, жиддий гумон ва жиноят қилганлиги ҳақида ишончли маълумотлар бўлишига қарамай, бирортаси жинойий жавобгарликка тортилмасди.

Тбилисидан Бухорога маҳаллий аҳолининг талаби катта бўлган қимматбахў материал "лахтак газла-ми" никоби остида олиб келинаётганлиги ҳақида Гдлян атрофлича тергов ахборотига эга эди. Ҳужжатлар "лахтак материал" сифатида расмийлаштирилди, аслида эса газмол олинар ва ляхтакка нисбатан анча юқори баҳоларда сотиларди. Нарҳидаги фарқлар ўзи юз минглаб сўмни ташкил қилар ва ўзлаштирилди. Газмол етказиб бергани учун Тбилисига бир неча марта катта миқдорда пора олиб бориб беришди.

Терговчилар Грузияга бориши ва у ерда текшириш ишларини бажариши қолганди. Аммо, Гдлян уларнинг Тбилисига боришига рухсат бермади. Шундан сўнг мафия эркин нафас олди.

Фақат шунгиси эмас, терговчилар арман миллатига мансуб кишилар Бухорога Эрон матосини олиб келишганини аниқладилар. Мато савдо пештахталарида тез сотилиб кетади. Уни сотишдан Қудратов яхшигина фойда олади.

Бу ҳақида Бухоро магазинларининг сотувчилари сўроқ қилинганди. Энди молни олиб келган "олғирлар"ни сўроқ қилишгина қолганди. Улар матони қардан ва қандай қилиб сотиб олганликларини, нима сабабдан уни айнан Бухорога олиб келганликларини аниқлаш керак эди. Уларнинг турар жойини аниқлаганимизда Грузияда яшашлари маълум бўлди. Аммо Гдлян сафарга чиқишга яна рухсат бермади, уларни сўроқ қилишга ва гоётада "истикболли" ана шу улкан ишни охирига етказишга имкон бермади. Унинг кўрсатмаси билан тергов материаллари ишдан ажратиб олиниб, жарга ташланди. Бошқача айтганда, уларни йўқ қилишда, на прокурорга, на судга кўрсатишди. Мафиянинг эса чапак чалиши ва Гдлян соғлиғи учун қадаҳ кўтаришигина қолганди.

Шу ўринда Гдлян гуруҳидан терговчи Сухобруснинг айтган гапларини келтириб ўтиш жоиз. У Гдлян билан Ивановнинг иш усулларини тавсифлар экан, бундай дейди: "Профессионал нуктаи назардан қаралганда, уларни ожиз одамлар деса бўлади. Қонунга сунган ҳолда порахўрликка, мафияга ва умуман жиноятчиликка қарши кураш олиб боришдан манфаатдор эканлигини мен кўрган эмасман. Ҳамма ишдан бошқача мақсадлар кўзланарди. Уша кезлар депутатлик, демократия ҳақида гап бўлган бўлмаганлигини билмайман, аммо ошкоралик авж олиб бораётганди, улар ана шу ошкоралик тўлкинида ўз мансаб мавқеларидан фойдаланиб қолишга ҳаракат қилдилар. Бунга мафияга қарши кураш деб бўлмасди. Кураш иккинчи ўринда турарди".

Дилчехра УРАЛОВА  
тайёрлади.

► Мозий сабоқлари

Темурийлар даврида томоша санъати, байрамлари тўғрисидаги маълумотлар ёзма манбаларида сақланиб қолган. Айниқса, ёзма манбалар ичида Хусайн Воиз Кошифийнинг "Футувватномаи султоний" рисоласи алоҳида аҳамиятга эга.

# Эл удумини қадрлаган зот

**Хусниддин ТОШКЕНБОЕВ**

Темурийлар тарихи давлат музейи кичик илмий ходими

Хусайн Воиз Кошифий асарлари Хуросон мадрасаларида дарслик сифатида ўқитилган. Урта Осиё ва Эрон тарихи ҳамда маданиятини ўрганишдаги асосий манба саналиб, араб, татар, инглиз, француз ва бошқа тилларга таржима қилинган. Фарб мамлакатлари кутубхоналаридан муносиб ўрин олган.

"Футувватномаи султоний" рисоласидаги маълумотларга кўра, Амир Темури ва темурийлар даври ўйинлари, томошаларини яхлит тасаввур қилиш мумкин. Уларнинг тарихи, турлари ва туркумларини ўзаро муносабатлари доирасини манбалар асосида ёритган. Амир Темури ўз тузуқларида ҳам халқ урф-одатлари, анъаналари, қадриятларига алоҳида эътибор қаратгани ва ривожлантириш учун барча шарт-шароитни яратиб берганини ёзади.

"Футувватномаи султоний"да: "Хос базмларда мақом куйлари ижроси ва рақослар хироми қаторида, масхара ва муқаллидлар иштироки таъминланган. Майдон томошаларида пойга, улоқ-қўпқари, отдан ағдариш, чавгон, қабок ўйналган. Шунингдек, кураш (гуштирлик), қиличбозлик, найза улоқтириш, гурзи жанги ва бошқа жангавар беллашувлар ўтказилган. Айнан майдон томошасида маймун, айиқ каби ёввойи ҳайвонлар томошаси, қўчқор, хўроз уришти-

риш каби қадимий ўйинлар етакчилик қилган".

Ибн Арабшоҳнинг куйидаги маълумоти янада диққатга сазовор: "Хушовоз хонандалар ва ахойиб соҳначилар форсий тараона, арабий оҳанг, туркий одат, мўғулий овоз, чиний қрон ва олтоилар қўлбати билан куй чалиб, қўшиқ айтишарди".

"Футувватномаи султоний" асарида баъзи сузларнинг маънолари ҳам берилган, масалан, "Маърака" сўзининг асл луғавий маъноси "Уруш майдони" дегани, кўчма маънода одамлар тўпланадиган ва ўртага чиқиб, ўз қобилиятини, истеъдодини ҳамда ҳунарини намойиш этадиган мавзе маъносини беради, дейилади.

Шунингдек, анъанавий театр, қўғирчоқбозлик, рақс, масхара томошаси, қўшиқчилик шакллари асли арабча бўлган "томоша" (Қараш, кўздан кечириш) деган биргина истилоҳ билан ифодаланган.

Аммо, Марказий Осиё минтақасида "томоша"нинг маъно доираси кенг, яъни кўпчиликка мўлжалланган, кўрувчи ва тингловчини қувонтирадиган ёки қайғуртирадиган, жумбушга соладиган ижролар, майдон маъракалари, маросимлар билан боғлиқ намойишлар. Туркийчада "ўйин" атамаси ҳам ишлатилган. Бироқ, унинг қўллаш доираси жуда кенг бўлиб, эрмак машгулотлар, бадантарбия ва

спортга алоқадор соҳаларни ҳам ўз ичига олади.

Манбаларда чолғувчилар, хонандалар ва бастакорлар ҳақида кўп маълумотлар учрайди. Чунки томоша санъатининг биринчи тури, хили йўқки, чолғусиз ўтган бўлсин. Ҳатто сайилгоҳларда, кенг майдонларда уюштирилаётган кўпқари, пойга, қабок ўйини, чавгон, кураш, дорбозлик каби томошалар ҳам қарнай, сурнай, ногора жўрлигида ўтган. Масхара, афсунгар, кўзбоғловчи, дорбоз каби маъракалар куй ва усуллар билан йўрилган.

Испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо: "Амир Темури қайси бир мамлакатни забот этган ва бўйсундирган бўлса, у ердаги олим, фузало, ҳунарманд, тошйўнвчи, наққош сингари бирор ишга қобилияти борларни келтириб, Самарқанд ва унинг атрофидаги ерларга жойлаштиради. Шоҳ ҳар хил ҳунармандларни йиғишга, айниқса, кўп ҳаракат қилди", дейди.

Албатта, улар орасида машҳур қизилчилар, дорбозлар, моҳир чавондозлар ҳамда мусиқанавислар бўлгани табиий ҳол.

Клавихо "Самарқандга — Амир Темури саройига саёҳат кундалиги" асарида ёзади: "Шоҳ, турли томондан Самарқандга келтирилган ҳар хил тоғфадаги эркак ва аёлларнинг ҳаммаси, айтишларича, бир юз эллик мингдан ошдиқ бўлган. Булар орасида турк, араб ва бошқа элатлар: арман христианлари, юнон католиклари, насронийлар, яқобитлар ва юзи билан

ўтга топинувчи ўзига хос масхабга эга бўлган кишилар ҳам бор эди".

Бошқа манбаларда келтирилишича, олиб келинган халойиқ ҳайратланарли даражада кўп эдики, шаҳарга, кўча ва майдонларга, қишлоқларга, ҳатто шаҳар ташқарисидаги дарахлар остига, горларга ҳам одам сиймай кетган экан. Амир Темури уларни бир-биридан ажратмасдан, қавми ва оиласи билан жамоа-жамоа қилиб жойлаштирган, зарур шарт-шароит яратиб берган. Чунки янги жойда ўз ҳунарини йўлга қўйиши, маҳорат ва билимини намён қилиши учун ётсирамаслиги, муқим ўрнашиб олиши керак эди.

Самарқанд атрофида Дамашк, Миср, Бағдод, Султония, Шероз номли қишлоқлар пайдо бўлган. Бундай қишлоқлар Шахрисабз, Қарши, Бухоро атрофларида ҳам бор. XIV аср охириларида қурилишда бирга ишлаган маҳаллий ва четдан келтирилган меъморлар, усталар ўртасида ўзаро таъсир ва ўзига хос ижодий-амалий бирдамлик юзага келган. Томошалар дам олиш, ҳордиқ чиқариш воситаси бўлиб, турли миллат мусиқа санъати бириктиб, уйғунлашган. XV аср бошларида умумий-бадиий мактаблар шаклланди. Натижада меъморчилик, наққошлик, ўймакорлик катори мусавирлик, мусиқа, рақс, томоша санъатларида кескин юксалишлар юз берди.

Маъракаларда ҳар тоифа ижрочилар алоҳида-алоҳида тарабхона, хосхона санъаткорларнинг аралаш гуруҳлари ўз маҳоратларини намойиш этган бўлса, театрлашган сайиллар ва намойишларда ҳар икки тоифа ижрочилари қатнашган ва ўзаро беллашган.

Байрам кунлари шаҳар майдонларида мусиқачию рақослар, масхарабозу қўғирчоқбозлар, акробатлару дорбозлар, устасию хаваскорлари аралаш томоша кўрсатган. XX асрларда ўрта Осиёда давлат театри ва концерт залларининг вужудга келишига халқ томошалари асос бўлган.

**TURON BANK**

**8 Dekabr** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кун

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки жамоаси халқимизни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26 йиллиги байрами билан самимий муборакбод этади!

Ватанимиз равнақи йўлида амалга ошираётган эзгу ишларингизда омадлар тилайди! Юртимизни тинчлик, қалбларимизни шукроналик туйғулари асло тарк этмасин!

Тинчлигимиз барқарор, ҳаётимиз фаровон бўлсин!

www.turonbank.uz

Хизматлар лицензияланган

# Мен эккан ёнғоқ

**Адиба МЕЙЛИЕВА**

Болалигимда ёнғоқни жуда яхши кўрардим. Қиш охирида баҳор келган пайтлари эди. Ҳаммамиз дастурхон атрофида нонушта қилиб ўтиргандик, ўртага қўйилган ёнғоқни акам еб қўйди. Мен аразладим. Ҳамма мени юпатишга тушди.

Шунда бобом чўнтагидан битта ёнғоқ чиқарди. Ҳа, хоҳласанг бунга чакчиб егин, ё кўпайтириш йўлини сенга ўргатаман, дедилар.

Мен "кўпайтириш"га рози бўлдим. Ўша ёнғоқ қўлимда, кетмон билан бир челақ сув олиб, ҳовлимиз бурчагига бордик. Ерни қавлаб, ёнғоқни кўмдик. Бобом айтдики, бунга парвариш қил, вақти келиб мева беради, ҳаммагани тугаса ҳам, сеники тугамайди.

Ёнғоқ ер ёриб чикди. Мен ҳар ақшанба тагини юмшатиб, сув қуярдим, танасини ҳар баҳор охаклардим. Дарахт ўсиб-улгайиб, мева бера бошлади.

Орадан ўн беш йил ўтди. Менга қўшилиб ёнғоғим ҳам улгайди. Шаҳарга ўқишга келдим. Ҳозиргача ёнғоқ терилса уйдагилар дарахтим мевасини менга бериб юборишади. Бобомдан меҳр берилган нарсадан меҳр қайтишини ўргандим. Бунинг учун бир умр миннатдорман...

**Эълонлар**  
Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Озод кўчаси, 41-уйда яшаган марҳум Ҳадича Абдуллаевага тегишли уйнинг кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.** 71/18

Беруний номидаги Тошкент политехника институти томонидан 19.09.1990 йилда Фаррух Муҳинович Алимовга берилган ПВ №855494 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.** 72/18



# АГРОБАНК:

Бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча жабҳаларида бўлаётган ўзгаришлар банк тизимида ҳам жадал амалга оширилмоқда. Иқтисодиётнинг глобаллашуви жараёнида соҳанинг қон томирлари саналган банкларни тез суръатларда ривожлантириб боришни даврнинг ўзи талаб этаётгани ҳам айна ҳақиқат.

Давлатимиз раҳбари томонидан тижорат банклари амалиётига хорижий тажрибаларни кенг татбиқ этиш зарурлиги кўп бора таъкидланмоқда.

"Агробанк" акциядорлик тижорат банки ҳам ўз олдида илғор халқаро банк тажрибасини жорий этишни мақсад қилмоқда. Масалан, сўнгги уч ой давомида банк мутахассислари Туркиянинг Т.С. "Ziraat Bankasi" А.С, Қозоғистоннинг "Цеснабанк" АЖ ва Россиянинг "Сбербанк"ига

ташриф буюриб, ушбу нуфузли банкларнинг илғор тажрибалари ва халқаро инновацион банк хизматларини ўрганиб қайтишди.

Жумладан, банк томонидан хорижий банклардаги учрашувларда тез-тез муҳокама этилувчи мавзу — "рақамли банкнинг"ни жорий эттиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу интерфаол хизмат турини ривожлантириш борасида фаоллик кўрсатаётган "Цесна-

банк" АЖнинг раҳбар ва ходимлари билан бўлиб ўтган учрашувда ҳам айнан ана шу жиҳатлар бош мақсад қилиб олинди. Аҳамиятлиси, мазкур учрашувда икки томонлама ўзаро ҳамкорлик юзасидан меморандум имзоланди.

Замон талабларига жавоб беришда махсус бўлимини тузиш орқали ахборот технологияларини ривожлантиришга замин яратган, сўнгги 10 йилда катта ўзгаришларни ўтказган Россиянинг "Сбербанк"и илғор тажрибаларини ўрганиш

Агробанк фаолиятида ҳам кўл келиши, шубҳасиз.

Айнан ушбу банк ҳақида сўз юритганда, кўпинча "Сбербанк" — бу, банк лицензиясига эга IT-компания деган сўзлар янграмоқда ва албатта, бу бежизга эмас. Негаки, ушбу хорижий банк тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражаси ўта юқори. Аслида хорижий давлатлар банклари билан ўзаро ҳамкорлик доирасида уларнинг бой тажрибаларини ўрганишдан мақсад мижозларга қулайликлар яратиш борасидаги интерфаол ва инновацион хизматларни банк тизимида кенг жорий этишдан иборатдир.

Умуман олганда, банк мутахассислари хорижий банкларнинг етакчи вакиллари билан танишиш асосида алмашилган тажрибалари, билим ва кўникмалари Агробанкнинг келгач фаолиятини янги уфқлар сари ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Яқин истиқболда банк жамоаси илғор халқаро тажрибалар асосидаги стратегияни ишлаб чиқиш учун хориждан малакали мутахассисларни жалб этишни режалаштирмоқда. Бу эса Агробанкнинг мамлакатимиз етакчи тижорат банклари орасидаги ўрнини мустаҳкамлашга замин ҳозирлайди.

## Агробанк аҳоли ва мижозлар учун қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

"САРМОЯ" ДАРОМАДЛИ ОМОНАТ

**20%**

AGROBANK

"ОНЛАЙН МЕНИНГ ЮРТИМ" ОМОНАТИ

AGROBANK

Хизматлар лицензияланган.

**HURRIYAT**

Муассасе: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир **Кулман ОЧИЛ**

Ахборот ҳамкоримиз: Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2. Баҳоси келишилган нархда

Тахририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.

Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-91  
Тел-факс: (0-371) 244-32-80  
Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-88

Тошхирин вақти — 20"  
Тошхиринда — 18"

Манзилымыс: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.  
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Ниғора Ташева томонидан саҳифаланди.

Набатчи: Юсуф Жураев, Мусахҳид: Шохиста Убайдуллаева

"O'zbekiston" НМИУ босмахонасида чоп этилади.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.